



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

«IQTISODIYOT» FAKULTETI

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

**Mavzu: Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил
этиш**

Bajardi: Раззаков О.

Urganch–2011y.

КИРИШ

**1-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ**

- 1.1. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг умумий
қоидалари ва вазифалари
- 1.2. Дехқончиликда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот
таннархини ҳисоблаш
- 1.3. Чорвачиликда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини
ҳисоблаш

**2-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ КИЛИШ**

- 2.1. Аудиторлик фаолияти тўғрисида тушунча, аудиторлик фаолиятининг
ҳуқуқий асослари
- 2.2. Товар моддий заҳираларнинг ҳаракати ва улардан
фойдаланиш ҳисоби аудити
- 2.3. Фермер хўжаликларида молиявий натижаларини таҳлил
қилиш ва уни такомиллштириш йўналишлари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда бугунги кунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, таркибий жиҳатдан диверсификациялаш ва модернизациялаш жараёнлари билан биргаликда, қишлоқ хўжалигини талаблар даражасида ташкил этиш масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бундай вазият фермер хўжаликлари фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитини самарали ташкил қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишни талаб қилади. Бу эса, танланган мавзунинг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фермер хўжаликлари фаолиятида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва аудитини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари иқтисодчи олимлардан Э.А.Аренс, М.С.Ерженов, О.Бобожонов, Р.Д.Дустмуратов, А.А.Каримов, Х.Н.Мусаев, М.Қ.Пардаев, А.С.Сотиволдиевлар томонидан таҳлил қилинган.

Ушбу олимларнинг илмий ва услубий ишлари назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда, ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий мақолалари, дарслик ва ўқув қўлланмаларида қишлоқ хўжалиги бухгалтерия ҳисоби ва аудитини шакллантириш масалалари умумий тарзда тадқиқ этилган.

БМИ мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

БМИ вазифалари:

- фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг умумий қоидалари ва вазифаларини ўрганиш;

- деҳқончиликда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- чорвачиликда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аудиторлик фаолиятини ҳукукий асослаш.

- товар моддий захираларнинг ҳаракати ва улардан фойдаланиш ҳисоби аудитини **ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ;**

- фермер хўжаликларида молиявий натижаларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш йўналишларини кўрсатиш.

БМИ объекти: республикада фермер хўжаликлари.

БМИ предмети: фермер хўжаликлари фаолияти бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитини ташкил этиш жараёнида содир бўладиган молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Илмий янгилиги:

- фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди

- фермер хўжаликларида аудиторлик фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди

БМИ тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши таркибий жиҳатдан кириш, иккита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот матни ____ бетдан иборат бўлиб, ____ та жадвал ва ____ та расмни ўз ичига олган.

1-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1.1. Фермер хўжалигида бухгалтерия Ҳисобини ташкил қилишнинг умумий қоидалари ва вазифалари

Фермер хўжалиги - халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлаш вазифасини бажарувчи агросаноат комплексининг асосидир.

Хозирги кунда агросаноат комплексида янги истиқболли уюшмалар - агросаноат комбинатлари ва бирлашмалари, ишлаб чиқариш тизимлари, агрофирмалар таркиб топдики, улар илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишни тезлаштириш, ишлаб чиқаришни янада интеграциялашишига эришиш, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш реализация қилишда йўл кўйиладиган йўқотишларни камайтириш ҳамда маҳсулотни истеъмолчига етиб боришни тезлаштириш имконини беради.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ва хўжалик юритишнинг иқтисодий услубларига ўтиши Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларига таъсирини кучайтириб, барча меҳнат жамоаларини ўз ишлаб чиқариш имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланишга ундамоқда.

Шу билан бир қаторда халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, шу жумладан, Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиб бораётганлиги, иқтисодиётнинг инқироз жараёни давом этаётган ва мустақил давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг издан чиққанлиги асосан ички имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай вазифани бажаришда бухгалтерия Ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда қабул қилинган қонун ва низомлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар халқ хўжалигининг барча корхона ва ташкилотларида ва турли мулкчилик шароитида бухгалтерия Ҳисобини ягоналаштириш ҳамда халқаро бухгалтерия Ҳисоби стандартларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Бу бобда агросаноат комплексининг асосий бўғинлари бўлмиш давлат ва жамоа хўжаликларида бухгалтерия Ҳисобини ташкил қилиш ва уни юритиш хусусиятларини кўриб чиқамиз. Хозирги кунда саноат ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар қошидаги ёрдамчи Фермер хўжалик бўлимларини ташкил қилиш ва кенгайтириш тобора ривожланиб бормоқда. Бу хўжаликларда ҳам Фермер хўжалиги корхоналаридаги каби бухгалтерия Ҳисоби ташкил этилади ва юритилади. Улар учун ишлаб чиқаришнинг икки асосий тармоғи - деҳқончилик ва чорвачилик мавжудлиги ҳосидир. Унда турли хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар ҳам бор.

Бу субъектларда бухгалтерия Ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари Фермер хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўзига ҳослигидан келиб чиқади. Энг аввало давлат хўжаликлари ва ёрдамчи хўжаликлар-мулкчиликнинг давлат шакли, жамоа хўжаликларидаги ишлаб чиқариш воситалари эса жамоа-кооператив (ширкат) мулкдир. Давлат ва жамоа хўжаликларидаги қатор фарқлар замини ана шундандир.

Фермер хўжалик ишлаб чиқаришнинг хусусияти ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлиги, харажатлар жараёнининг олинадиган маҳсулот даврига мос келмаслигидадир. Масалан, жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари тўхтовсиз, бутун йил мобайнида давом этади, Ҳосилни йиғиш, маҳсулотни етиштириш эса йилнинг маълум даврига тўғри келади.

Фермер хўжалик корхоналари учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари қолдиқларнинг сезиларли миқдорда мавжуд бўлиши характерлидир. Ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан нотекис фойдаланишга, сезиларли мавсумий захираларни яратиш заруриятига олиб келади.

Мана шу хусусиятлар Фермер хўжалик корхоналарида бухгалтерия Ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хосликларини белгилайди. Ана шундай хусусиятлардан бири маҳсулотнинг Ҳақиқий таннархини йилнинг охирида, ишлаб чиқариш йилининг якунида аниқлашдир. Шунинг учун йил давомида олинаётган маҳсулот дехқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам режадаги таннарх ёки Ҳисобланган баҳо бўйича Ҳисобга олинади ва кирим қилинади, йил охирига келиб эса у Ҳақиқий таннархига етказиб тўғриланади. Ана шундан кейингина хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари аниқланади.

Фермер хўжалик корхоналаридаги бухгалтерия Ҳисоби амалдаги счётларнинг ягона режаларига асосланади. Жумладан, унда «Асосий ишлаб чиқариш» счётида «Дехқончилик», «Чорвачилик» каби махсус счётлари очилади. Технологик жараёнга алоқадор бўлган бевосита харажатлар саноатдаги каби «Асосий ишлаб чиқариш» калькуляция счётининг тузилиши ҳамда вазифаси билан бир хил бўлган «Дехқончилик» ва «Чорвачилик» счётларининг дебетида Ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулотни, шунингдек айрим бажарилган иш ва хизмат (операция)ларини Ҳисобга олишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Буларни мазкур бобнинг тегишли бўлимларида кўриб чиқамиз. Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи Фермер хўжаликларида «Бошқа ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» счётидан фойдаланилади, шунга кўра субъектнинг харажатлари «Асосий ишлаб чиқариш», «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ва шу каби счётларда акс эттирилади.

Фермер хўжалик корхоналарида бухгалтерия Ҳисобини юритишда бошланғич хужжатларнинг намунавий шакллари, бухгалтерия регистрларининг ягона шакллари, Ҳисоблаш ишларини бажаришда Ҳисобга олишнинг комплекс механизациялашган ва автоматлашган усулларида фойдаланиладилар. Фермер хўжаликларидаги бухгалтерия Ҳисобининг асосан мемориал-ордер, журнал-ордер ва жадвал-автоматлашган шаклларида фойдаланилади.

«Фермер хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини Ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилиш тартиби тўғрисида» ги Низом Фермер ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бу Низомга кўра Фермер хўжалигидаги харажатлар худди саноатдагидек, асосий харажатлар, хизмат кўрсатиш ва бошқарув харажатларига ажратилади. Асосий харажатларга уруғ ва кўчат материаллари, ходимларнинг ишлаб чиқаришда қатнашган ва ширкат аъзоларининг меҳнат ҳақи, ёнилғи, озиқа, ўғит ва шу каби сарфлари киритилади. Иккинчисига умумишлаб чиқариш (бригада, ферма, цех) харажатлари ва умумхўжалик (субъект бўйича умумий) харажатлари

киритилади. Шунга кўра харажатлар, саноатда бўлганидек, бевосита ва билвосита харажатларга гуруҳланади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари уларнинг элементлари ва калькуляция моддаларига кўра туркумланади. Харажат элементлари деганда ўз иқтисодий таркибига кўра бир хил бўлган харажатлар тушунилади.

Харажатлар моддаларининг рўйхати ва уларнинг таркиби Фермер хўжалиги ишлаб чиқариши сарфларини Ҳисобга оладиган тегишли моддаларда кўриб чиқилади.

Фермер хўжалигида бухгалтерия Ҳисобининг асосий вазифалари:

- Фермер хўжалиги корхоналари фаолиятининг барча бўлимлари бўйича режаларни бажариш юзасидан назоратни таъминлаш;
- меҳнат, моддий (уруғ, озиқа, ёкилғи, ўғит, хайвон, Фермер хўжалик техникаси) ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш захиралари ва маҳсулотнинг сақланиши ҳамда улардан оқилона фойдаланишни назорат қилишдир.

Фермер хўжалигида асосий воситаларни Ҳисобга олиш халқ хўжалигининг барча тармоқлари (шу жумладан саноат учун ҳам) учун белгиланган тартибда ташкил этилади. Аммо асосий воситалар таркибидаги фарқлар туфайли айрим ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир.

Масалан, бу соҳадаги барча асосий воситаларни Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришига мўлжалланган асосий воситалар, Фермер хўжалик ишлаб чиқаришига мўлжалланмаган асосий воситалар ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларига ажратилади. Ишчи ва маҳсулдор чорва ва бошқа Ҳайвонлар алоҳида ажратилади, шунинг учун улар алоҳида ҳисобларда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг жамоа ва давлат хўжаликларидаги баҳоси саноатдаги каби белгиланади. Жорий бухгалтерия Ҳисобида ва балансда асосий воситалар бошланғич баҳосида акс эттирилади.

Ўз хўжалигида боқилган, шунингдек четдан харид қилинган маҳсулдор ва иш чорва Ҳайвонларини асосий воситаларга кирим қилишда жамоа ва давлат хўжаликларида ўстириш ҳамда харид қилишнинг (олиб қилиш сарфларини ҳам қўшиб) ҳақиқий таннарида баҳоланади.

Асосий воситалар таркибига киритиладиган кўп йиллик экинлар ёшидан қаътий назар (мева, боғлар, тоқзорлар, чой плантациялари, шунингдек ихота ўрмонлари ва шу каби) уларни экиш (кўчат материали қийматини ҳам қўшиб) парвариш қилиш ва ўстиришнинг ҳақиқий харажатлари бўйича Ҳисобга олинади.

Ерларни яхшилашга йўлланган капитал қўйилмалар асосий воситаларга жорий йилдаги тегишли харажатларнинг ҳақиқий суммаси бўйича киритилади.

Асосий воситаларга киримларни Ҳисобга олишда намунавий бошланғич ҳужжатлардан фойдаланилади. Улар қабул қилиш-топшириш далолатномалари, кўп йиллик экинларни қабул қилиш ва уларни фойдаланишга топшириш далолатномалари, Ҳайвонларни бир гуруҳдан иккинчисига ўтказиш далолатномалари ва шу каби. Ҳар хил инвентар объектларнинг ўз рақами бўлади. Бу объектлар бригада, ферма ва моддий жавобгар шахсларга бириктирилади, бу ҳолат асосий воситалар бор бўлган, улардан фойдаланиётган жойлар бўйича инвентар рўйхатларида, хайвон ва паррандани Ҳисобга олиш дафтарларида, бухгалтерияда эса инвентар карточкаларида қайд

қилинади.

Бозор иқтисодиётига ва бухгалтерия Ҳисобини юритишнинг жаҳон стандарти шаклларига ўтилиши муносабатлари билан Фермер хўжалиги корхоналарида Ҳам (хўжалик юритишнинг ва мулкка эгаллик қилишнинг шаклидан қатъий назар) асосий воситаларни Ҳисобга олишда бир қатор ўзгаришлар юз берди. Эндиликда асосий воситаларни харид қилиш, бунёд қилиш, ташиб келтириш ва ўрнатиш, маҳсулдор ва иш Ҳайвонларини асосий воситалар таркибига ўтказиш ва бошқа шу каби харажатларни Ҳисобга олиш 0800 - «Капитал қўйилмалар» счётининг дебетида олиб борилади.

Дебет 0110-0190 «Асосий воситалар» счётлари

Кредит 0810 «Капитал қўйилмалар» счёти

Маҳсулдор Ҳайвонларга эскириш (амортизация) Ҳисобланмайди, иш Ҳайвонларига эса эскиришни (амортизация) Ҳисоблаш бошқа барча асосий воситалардек амалга оширилади. Капитал ва жорий таъмирлаш саноат корхоналаридагидек Ҳисобга олинади.

Фермер хўжалик корхоналарида асосий воситаларни Ҳисобдан чиқариш эскириш, табиий офат, катта ёшли маҳсулдор ва иш Ҳайвонларини бракка чиқариш ва уларни оборот воситалари таркибига киритиш, чорва Ҳайвонларининг ўлиши ва кераксиз объектларни сотиш натижасида содир бўлиши мумкин.

Асосий воситаларни Ҳисобдан чиқариш ўз-ўзини маблағ билан билан таъминлаш шароитларига ўтишга кўра махсус кўрсатма ва қоидалар билан чегараланарди. Жамоа хўжаликларида асосий воситаларни Ҳисобдан чиқариш масалалари жамоа хўжалиги аъзолари ёки вакилларининг умумий йиғилишида ҳал этилади. Фойдаланишга яроқсизлигини аниқлаш ва объектларни Ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш мақсадларида махсус комиссиялар тузилади.

Асосий воситаларни Ҳисобдан чиқариш уларнинг ашёвий таркибига кўра бино, иншоот, машина, ускуна ва транспорт воситаларини Ҳисобдан чиқариш далолатномалари, Ҳайвонларни бракка чиқариш, кўп йиллик экинларни Ҳисобдан чиқариш ва бошқалар Ҳақидаги далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Асосий воситаларни балансдан чиқаришнинг синтетик Ҳисоби юритилганда саноатдаги каби уларнинг балансдаги қийматига 0110-0190 «Асосий воситалар» счётлари кредитланиб, 9210 «Асосий воситаларнинг Ҳар хил чиқарилиш ва сотилиши» счёти дебетланади. Бир вақтнинг ўзида балансдан чиқарилаётган асосий воситанинг эскириш суммасига

Дебет 0210-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши»,

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг Ҳар хил чиқарилиши ва сотилиши» счёти бухгалтерия проводкаси тузилади.

Агарда Ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситанинг қиймати тўла амортизациялашмаган бўлса, асосий воситани тугатишдан кўрилган молиявий натижа зарар (йўқотиш) сифатида қуйидаги бухгалтерия ёзувида акс эттирилади:

Дебет 9900-«Якуний молиявий натижани Ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг Ҳар хил чиқарилиши ва сотилиши» счёти.

Асосий воситалар тугатилганда Ҳам уларнинг бошланғич қийматига ва

эскириш суммасига юқоридаги сингари бухгалтерия проводкалари тузилади. Уларни тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар турлари бўйича (моддий ва меҳнат харажатлари, ижтимоий суғурта ва бандлик фондларига ажратмалар ҳамда турли хизматлар) 9210 «Асосий воситаларнинг ҳар хил чиқарилиш ва сотилиши» счётининг дебитида акс эттирилади. Тугатишдан олинган ҳар хил яроқли материаллар, эҳтиёт қисмлар фойдаланиш мумкин бўлган ёки сотиш баҳосида баҳоланиб 1010-1090 «Материаллар» счётларининг дебитига ва 9210 «Асосий воситаларнинг ҳар хил чиқарилиши ва сотилиши» счётининг кредитига ёзилади. Бу охириги счётнинг дебет ва кредит оборотлари таққосланиб, асосий воситани тугатишдан кўрилган молиявий натижа - фойда ёки зарар аниқланади.

Асосий воситаларни сотганда ва бепул берганда ҳам бошланғич қийматида:

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг ҳар хил чиқарилиши ва сотилиши» счёти.

Кредит 0110-0190 «Асосий воситалар» счётлари.

Ўша вақтдаги эскириш суммасига:

Дебет 0210-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши» счётлари.

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг ҳар хил чиқарилиш ва сотилиши» счёти.

Сотилган асосий восита учун талаб қилинган ёки келиб тушган пул миқдори бозор баҳосида баҳоланганлиги учун унинг қолдиқ қийматида кўп ҳолларда мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли асосий воситани сотишнинг молиявий натижаси ҳам юқоридаги тартибда аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Фермер хўжалигида асосий воситалар (импорт, техника воситалари, кўп йиллик ўсимликлар майдони) узоқ муддатли ижарага бериш йўли билан ҳам сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Асосий пода (асосий воситалар таркибидан катта ёшли маҳсулдор ва иш ҳайвонлари маҳсулдорликнинг камайиши, касаллик, лат ейиш, сотиш, сўйиш ва бошқа шу каби сабабларга кўра чиқарилади.

Асосий пода таркибидан чиқарилган ва сотилган ҳайвонларнинг ҳисоби ҳам 9210 счёт орқали ҳисобга олинади.

Ҳисобдан чиқарилган ҳамда сотилган ҳайвонларнинг бошланғич (баланс) баҳоси 9210 счётнинг дебитида ва 0100 счётларининг кредитида акс эттирилади.

Сотилган ҳайвонларнинг сотиш баҳоси 6200 счётнинг дебитида ва 9210 счётнинг кредитида, брак қилинган маҳсулдор ва иш ҳайвонларининг аниқланган қиймати 1120 счётнинг дебитида ва 9210 счётнинг кредитида акс эттирилади.

Сотилган ҳайвонлар учун келиб тушган нақд пул 5010 пул маблағлари 5110 ва 5210 счётларнинг дебитида 6010 ёки 7010 счётнинг кредитида акс эттирилади.

9210 счётда сотилган ва ҳисобдан чиқарилган маҳсулдор ва иш ҳайвонларининг бошланғич баҳоси билан сотиш ёки аниқланган (вазнига, ёшига ва бошқа белгиларига қараб) баҳоси таққосланиб, молиявий натижа аниқланади, агарда

Фойда олинса дебет 9210, кредит 9900, мабодо зарар кўрилса дебет 9900,

кредит 9210 счёта тари орқали бухгалтерияда акс эттирилади.

1.2. Деҳқончиликда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннарни ҳисоблаш

Деҳқончилик фермер хўжалигининг асосий соҳаларидан бири. Бу соҳада фермер хўжалиги ялпи маҳсулоти шу жумладан чорва учун озуқа етиштирилади. Бу тармоқда дала ишлари, полизчилик, боғдорчилик, ем-хашак етиштириш ва шу кабилар таркиб топади.

Деҳқончиликдаги Ҳисобга олиш объекти - экинларнинг алоҳида турлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш турлари ва айрим ишлардир. Масалан, кузги бошоқли экинлар гуруҳ и, баҳорги буғдой ва бошқа баҳорги экинлар гуруҳ и, техник экинлар, картошка, сабзавот, полиз, озиқа экинларининг боғдорчилик ва узумчилик харажатлари Ҳисобга олишнинг мустақил объектлари Ҳисобланади.

Келгуси йил Ҳосили учун қилинган харажатлар Ҳисоблаш тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари Ҳисобга олишнинг алоҳида объектига ажратилади. Бу харажатлар алоҳида экинлар бўйича бажариладиган иш турлари юзасидан Ҳисобга олинади. Кейинги, бошланган Ҳисобот йилида айтиб ўтилган харажатлар алоҳида экин турлари таннарига тақсимлаш йўли билан ўтказилади.

Деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотнинг чиқиши бўлинма, бригада ва шу кабилар бўйича Ҳисобга олинади керак.

Бундан ташқари экин турлари бўйича харажатлар қуйидаги калькуляция моддалари бўйича Ҳисобга олинади:

1. Ижтимоий суғурта ажратмалари билан биргаликда меҳнатга Ҳақ тўлаш харажатлари.

2. Уруғлик ва экиш материаллари.

3. Ўғитлар.

4. Ўсимликларни Ҳимоя қилиш воситалари.

5. Иш хизматлари.

6. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари.

7. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш харажатлари.

8. Суғурта тўловлари.

9. бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш харажатларини Ҳисобга олишга оид бухгалтерия ёзуви тўғри ва тегишли тартибда расмийлаштирилган бошланғич хужжатлар - механизациялаштирилган, от ва қўл меҳнатларини Ҳисобга олиш варақалари, ўғит сарфи актлари, маҳсулот жўнатилганлиги Ҳақидаги накладнойлар: регистрлар: маҳсулотни даладан олиб чиқиш йўлланмалари, озиқа қабул қилиш далолатномалари ва шу кабилар асосида амалга оширилади. Бригада ва бўлимлар бўйича гуруҳ ланган бошланғич хужжатлар маълумотлари асосида иш ва харажатларни Ҳисобга олиш журнали юритилади, сўнгра Ҳар ойда деҳқончилик бўйича ишлаб чиқариш Ҳисоботлари тузилади (18 шакл). Ҳисобот икки бўлимдан иборат бўлади. Унинг биринчи бўлимида харажатлар моддалари, режадаги экин тур(гуруҳ)лари, тугалланмаган ишлаб чиқариш турлари бўйича харажатлар, иккинчисида деҳқончилик маҳсулотининг чиқиши акс эттирилади. Ишлаб чиқариш Ҳисоботлари тугалланган ойдаги

маълумотларни кўрсатиб, йил бошидан ўсувчи якунида юритилади. Ҳисоботлар асосида аналитик Ҳисоб юритиладиган маҳсулотнинг чиқиши Ҳисоби дафтарига, қайд қилинади, сўнгра 10 журнал-ордерга ўтказилади. Ҳисобга олишнинг машинага мўлжалланган турларида харажатлар ва маҳсулотнинг чиқишини Ҳисобга олишнинг ведомост-машинограммалари ишлаб чиқилади.

Фермер хўжаликларида деҳқончиликдаги харажатлар ва маҳсулотнинг чиқишини Ҳисобга олишда «Асосий ишлаб чиқариш» счётидан фойдаланилади. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини Ҳисоблашга ҳам мўлжалланган. Счётининг дебитида йил давомида бевосита, йил охирида эса юқорида келтирилган сарф моддалари бўйича билвосита харажатлар, кредитда эса йил давомида маҳсулотнинг чиқиши режадаги таннархда акс эттирилади. Йил якунида эса режадаги таннарх аниқланган Ҳақиқий таннархга етказиб тўғриланади. Йил бошида ушбу счётининг дебет сальдоси ўтган йил харажатлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришни, йил охирида эса келгуси йил Ҳосили учун харажатлар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришни англатади. «Деҳқончилик» счёти бўйича аналитик Ҳисоби ишлаб чиқариш харажатларини Ҳисобга олиш объектлари бўйича экин турлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, иш турлари ва харажатлар моддалари бўйича юритилади.

Харажатларни алоҳида моддалар бўйича Ҳисобга олиш тартибини кўриб чиқамиз. «Ижтимоий суғурта ажратмалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари» моддасида бевосита экин ўстириш билан банд бўлган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, навбатдаги ва қўшимча таътиллarga ҳақ тўлаш ҳамда бу суммаларга нисбатан Ҳисобланган тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари Ҳисобга олинади. Бу харажатлар бошланғич ҳужжатлар асосида бевосита тегишли экинлар ва иш турларига ўтказилади. қўшимча меҳнат ҳақи суммалари тўғри иш ҳақиға муносиб тақсимланади. Бунда умумлашган маълумотлар бўйича «Деҳқончилик» счётининг дебитиға ҳамд «Меҳнатға ҳақ тўлаш бўйича Ҳисоблашишлар» ва «Ижтимоий суғурта бўйича Ҳисоблашишлар» счётларининг кредитига қайд қилинади.

Яқин йиллар ичида давлат ва жамоа хўжаликларининг барча ишлаб чиқариш бўлинмалари меҳнатини ташкил этишнинг пудрат усулиға, шу жумладан оила ва яққа тартибдаги пудрат усулиға ўтказилганлигини унутмаслик керак. Бу усулда ишлаб чиқаришда қатнашувчиларнинг барчаси, шу жумладан раҳбарлар ва мутахассисларнинг ҳам меҳнатига ҳақ тўлаш ялпи даромадға бевосита боғлиқ қилиб қўйилди, Фермер хўжалик ходимлари меҳнатига натурал ҳақ тўлашнинг салмоғи ортади, уни тўлаш ҳажми пировард натижаларға қатъий боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда хўжалик ичидаги бўлинмалар ўртасида ўзаро Ҳисоблашишнинг чек шакли жорий этилиб, бўлинмалар раҳбарлар маҳсулот учун ҳам, хизматлар учун ҳам чек билан Ҳисоб-лашишни амалға оширадilar.

Жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ижтимоий таъминот марказий фондига ажратмалар ижтимоий суғурта ажратмалари сингари акс эттирилади, аммо ёзувлар чоракда бир марта «Деҳқончилик» счётининг дебити ва «Суғурта бўйича Ҳисоблашиш» счётининг кредитида акс эттирилади.

Фермер хўжалик тармоқларида моддий ресурсларни Ҳисобга олиш саноатда материалларни Ҳисобга олиш сингари ташкил этилади.

Уруғ ва экин материаллари бевосита белгисига кўра «Деҳқончилик»

счётига Ҳақиқий таннархда «Уруғлар ва озиқа» счётининг кредитидан ўтказилади.

Уруғларни экишга тайёрлаш, уларни экиш жойига ташиб келтириш харажатлари уруғлар қийматига киритилмайди, балки экинларга тегишли харажатлар моддалари бўйича ўтказилади.

«Ўғит» моддасида Фермер хўжалик экинлари учун тупроққа солинадиган ўғитлар, шу жумладан саноатда ишлаб чиқиладиган минерал, бактериал ва бошқа ўғитлар ҳамда органик ўғитлар харажатлари Ҳисобга олинади. Харажатлар аналитик Ҳисобга олишда минерал ва органик ўғитлар бўйича алоҳида акс эттирилади. Ўғитларни тайёрлаш ва ерга солиш харажатлари бевосита муайян Фермер хўжалик экинига тегишли харажатлар моддалари бўйича ўтказилиб, бу моддага киритилмайди. Ўғитлар харажатлари «Материаллар» счёти ёки «Чорвачилик» счётининг кредитидан ўтказилади.

«Ўсимликларни Ҳимоя қилиш воситалари» моддасида бегона ўтлар, Фермер хўжалик экинлари зараркунанда ва касалликларга қарши курашда ишлатиладиган пестицид, кимёвий дорилар, гербицид ва бошқа кимёвий, шунингдек биологик воситаларни харид қилиш ва сақлаш харажатлари киритилади. хўжаликнинг ўзи бу воситалар билан кўчатлар, экинларга ишлов бергандаги харажатлар моддалари бўйича экиннинг таннархига ўтказилади.

«Иш ва хизматлар» моддаси ўз корхонасининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондурувчи ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг хизматлари ҳамда шу корхонага бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш характеридаги хизматларга Ҳақ тўлаш харажатлари акс эттирилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришни Ҳисобга олиш ва уларни харажатларини маҳсулот таннархига қўшиш тартиби мазкур бобнинг алоҳида моддасида ёритилган.

«Асосий воситаларни сақлаш харажатлари» моддасида бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга бу асосий воситаларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш харажатлари, амортизацияси ажратмалари ва тузатиш харажатлари киритилади.

Деҳқончиликда айтиб ўтилган асосий воситаларга шу тармоқда бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган тракторлар, Фермер хўжалик машина ва ускуналари, иссиқхона, турли омборлар ва ишлаб чиқариш бинолари, асосий мелиорация воситалари, кўп йиллик экинлар, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқалар киритилади.

Асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларига асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат Ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалари билан. Ёнилғи ва мойлаш материаллари, ёрдамчи ишлаб чиқариш, шунингдек чет ташкилотлар хизматлари ва бошқа харажатлари киритилади.

Тузатиш харажатларига энг аввало ўзининг таъмирлаш устахоналарининг харажатлари киритилади.

Амортизация харажатларини юқорида айтиб ўтилган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ташкил қилади. Амортизация ажратмалари Ҳар ойда алоҳида «Деҳқончиликда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланган амортизация» аналитик счётида қайд этиб борилади. Бунда «Деҳқончилик» счёти дебет ва «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти

киритилади. Йил охирида асосий воситаларнинг эскириш суммаси экин ва иш турлари бўйича тақсимланади ва бу махсус ведомост орқали расмийлаштирилади. Олдин «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётида Ҳисобга олинган жорий тузатиш харажатлари амортизация суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

«Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари» моддасида умумишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади. Уларни Ҳисобга олиш ва маҲсулот таннархига киритиш тартиби шу бобнинг 5-моддасида ёритилган.

«Суғурта тўловлари» моддасида Фермер хўжалик экинларининг Ҳосили ва кўп йиллик экинлар, Фермер хўжалик Ҳайвонлари, қуён, асалари оилалари ва шу қабилар бўйича давлат мажбурий суғурта тўловларига оид харажатлар Ҳисобга олинади. Бу тўловлар тегишли экинларнинг таннархига бевосита олиб борилади.

Бу моддада маҲсулотни ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланиладиган бино, иншоот, машина, ускуна, инвентар ва бошқа асосий воситаларнинг суғурта тўловлари ҳам Ҳисобга олиб борилади. Суғурта тўловлари маҲсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларга мутаносиб равишда экин ва маҲсулот турлари бўйича тақсимланади.

Суғурта тўловлари бухгалтерияда «ДеҲқончилик» счётининг дебетида, «Суғурта бўйича Ҳисоблашишлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

«Бошқа харажатлар» моддасида маҲсулотни ишлаб чиқаришга бевосита дахлдор, аммо юқорида кўриб чиқилган моддалардан бирортаси ҳам киритилмайдиган харажатлар акс эттирилади.

Ўтган йилнинг кузида қилинган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари Ҳисобот йили харажатларига қўшилади. Улар экин турлари бўйича экин майдонига мутаносиб тақсимланади. Аниқланган суммага аналитик счётлар бўйича «ДеҲқончилик» счётининг дебет ва кредитида ёзувлар қилинади.

«ДеҲқончилик» счётининг дебетида айтиб ўтилган ёзувлар қилинган, аналитик счётлар бўйича алоҳида экин турларига йил давомида сарфланган барча ишлаб чиқариш харажатлари аниқланади. Бу счётнинг кредитида йил давомида сарфланган барча ишлаб чиқариш харажатлари аниқланади. Бу счётнинг кредитида йил давомида маҲсулотнинг чиқарилиши режали таннархда акс эттирилади ва қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

Дебет: 2800-«Тайёр маҲсулот» счёти.

Кредит: 2000«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Йил охирида Ҳақиқий таннарх аниқлангандан сўнг ёзув Ҳақиқий ва режадаги таннарх ўртасида фарққа тўғриланади (корректировка қилинади).

ДеҲқончилик маҲсулоти бирлигининг таннархини калькуляция қилиш тартиби. «ДеҲқончилик» счётининг аналитик счётлари экин турлари бўйича акс эттирилган харажат маълумотларига асосланувчи Ҳақиқий таннархининг Ҳисобот калькуляциялари йил охирида асосий Фермер хўжалик ишларининг доираси тугаб, жорий йил Ҳосили йиғиб олингандан кейин тузилади.

Бунда асосий, ёндош ва ёрдамчи маҲсулот тушунчалари фарқланади, яъни асосий маҲсулот мазкур ишлаб чиқариш шу маҲсулотни олиш мақсадларида ташкил этилган. Ёндош маҲсулот-асосий экинлардан асосий маҲсулотлар билан бир вақтда олинади ва истеъмол хусусиятларига кўра

асосий маҳсулотга ўхшаш. Ёрдамчи маҳсулот-бу ҳам асосий маҳсулот билан бир вақтда олинади, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали маҳсулот ҳисобланади.

Деҳқончиликда ҳар бир алоҳида Фермер хўжалик экинидан олинadиган маҳсулот тури калькуляция объекти ҳисобланади. Бир экиндан айна бир вақтда ҳар хил хусусиятдаги маҳсулот олиш туфайли деҳқончилик маҳсулоти таннархини калькуляция қилишда турли усулдан фойдаланилади. Масалан, харажатларни бевосита ўтказиш методидан бир экиндан фақат битта маҳсулот тури олинadиган ҳолларда фойдаланилади. Бу энг оддийси: мазкур экинга сарфланган харажатлар суммасига олинган маҳсулот миқдорига бўлинади. Айрим Фермер хўжалик экинлари ўртасида олинаётган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгиларидан бирининг миқдорий қийматига мутаносиб тақсимлаш методи ҳам қўлланилади.

Деҳқончилик маҳсулотининг таннархини ҳисоблашда Фермер хўжалик экинига сарфланган ишлаб чиқариш харажатларидан ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли олинган маҳсулотга тааллуқли бўлган ва белгиланган тартибда зарарга ўтказиладиган суғурта товлари суммаси истисно (фақат ҳисобга олишда) қилинади.

Фермер хўжалик экинлари (экин турлари) бўйича деҳқончилик маҳсулотининг таннари:

А) дон, пахта, кунгабоқар уруғи-франко-дала (хирмон ёки дастлабки ишлов бериладиган жой),

Б) сомон, хашак-франко-сақлаш жойи,

В) қанд лавлаги, картошка, полиз экинлари, сабзавот, қанд лавлаги тугунчали, илдизмевалар-франко-дала (сақлаш жойи),

Г) мевалар, резавор, узум, тамаки, махорка ва чой барги доривор эфир мой экинлари ва гулчилик маҳсулотлари, химоя қилинган ер сабзавотлари-франко-қабул (сақлаш) жойлари,

Д) зиғир-поҳол, ивитилган зигирпоя-франко-сақлаш қайти ишлаш (хўжаликда) жойи,

Е) ўт, зиғир, сабзавот ва бошқа экинлар уруғлари-франко-сақлаш жойи,

Ж) озиқа учун кўк масса-франко-истеъмол жойи,

З) Силос, ўт уни сенаж, гранула учун кўк масса, франко-силос босиш, сенаж қилиш (минора, зовур, ўра) жойи, ўт уни, гранула тайёрлаш жойи.

Жорий йилдаги деҳқончилик маҳсулотининг таннарига йиғилган, аммо янчилмаган ёки йиғилмаган экинлар бўйича харажатлар киритилмайди. Агарда йил охирида деҳқончиликда янчилмаган экинлар бўлса, ҳақиқий харажатлар қуйидагича тақсимланади.

Йиғиштириб янчилган ва йиғилган, аммо янчилмаган экин бўйича сарфланган ҳақиқий харажатларнинг умумий суммасидан маҳсулотни янчиш ва даладан олиб келиш харажатлари чегирилади. Ана шундан кейин қолган харажатлар суммаси йиғиштириб янчилмаган экин ўртасида гектарлар миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади. Йиғиштириб янчилган экинлар маҳсулотининг ҳақиқий таннархини аниқлаш мақсадларида йиғиштирилган экинларга сарфланган харажатлар суммасига уларни янчиш, ташиш бўйича харажатлар қўшилади. Келгуси йилда таннархни ҳисоблашда янчилмаган экинлар ва йиғиштириш бўйича харажатлар маҳсулотни янчиш, тозалаш ва

ташиш харажатларига қўшилади.

Сомон (чори), жўхориюя барги ва ҳўзаюя кунгабоқар тупгули, қарам барги, шох-шабба (тут) ва шу қабиларнинг таннархи ушбу маҳсулотни йиштириш, пресслаш, ташиш, ҳарамлаш ва тайёрлашга оид бошқа ишлар харажатлари асосида белгиланган меёрлар бўйича уларга сарфланган харажатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Дон экинларини экиш ва йиштириш харажатлари (донни хирмонда тозалаш ва қуриштиш харажатлари қўшилиб) дон, дон чиқитлари ва сомоннинг таннархини ташкил қилади.

Дон ва дон чиқитларнинг таннархини аниқлаш учун, аввало унга тегишли жами харажатларда сомоннинг белгиланган қиймати чегириб ташланади. қолган харажатлар дон ва дон чиқитларининг таннархини ташкил этади. Доннинг таннархини аниқлаш учун дон чиқитлари (лабораторияда аниқланган доннинг миқдориға қараб) соф донға айлантрилади. сўнгра уларға тегишли жами харажатлар шартли дон миқдориға бўлиниб 1ц доннинг таннархи аниқланади.

Масалан, кузги буҳдой Ҳосили йиштириб ва тозалаб олингандан кейин 50000 ц дон, 3000 ц чиқити ва 40000 ц сомон олинади. Ушбу хосилни етиштириш ва хирмонда тозалаш учун 2550000 сўм сарфланган. Сомоннинг меёрий харажатлар қиймати 50000 сўмни ташкил этади. 1ц сомоннинг таннархи эса - $(50000:40000) 1,25$ сўмни ташкил этди. У Ҳолда дон ва дон чиқитига тегишли харажатлар $(2550000-50000) 2500000$ сўмға тенг.

Дон чиқити (чори)нинг таркибидан 50 фоиздан бўлганлиги уни донға айлантририлганда $(3000 \times 50:100) 1500$ ц жами шартли дон миқдори эса $(50000 \times 1500) 51500$ ц га тенг.

1ц доннинг таннархи $(2500000:51500) 40$ сум 54 тийинни, 1 ц чорининг таннархи эса $(40,54 \times 50) 20$ сум 27тийинни ташкил этди.

Уруҳчилик экинлари бўйича умумий харажатлар тегишли репродукциядаги (супер-элита, I ва II репродукция) уруҳлик донни олишға алоқадор қўшимча харажатларни Ҳам қўшиб, уруҳлар таннархига юқоридаги тартибда ўтказилади. 1 ц уруҳ (супер-элита, элита, 1 репро-дукция, қолган репродукциялар)нинг таннархи тегишли уруҳға ўтказилган харажатларнинг умумий суммаси тозаланган ва қуртилган уруҳ массасига реализация баҲосига мутаносиб тақсимланади.

1 ц маккажўхори донининг таннархини Ҳисоблашда дон қабул қи-лиш пункларида суткалик ўртача намуналарни суткадаги доннинг базис намлигини (маккажўхори сутасидаги доннинг базис намлиги 22 фоиз кўламида қабул қилинган) Ҳисобға олиб янчиш натижасида аниқланган сўталардан қуруқ донға ўтказиш хўжаликнинг давлатға сотган маккажўхори сўталаридан базис намликдаги дон чиқилишининг ўртача фоизидан аниқланади. Бу фоиз қабул қилинган дон накладнойлари регистрларининг маълумотларидан олинади. 1 ц маккажўхори донининг таннархи ишлаб чиқариш харажатларини жўхориюяларини йиштириш сарфлари ва қийматини истисно қилиб, дон массасига тақсимлаб аниқланади.

1 ц мойли ўсимликлар (кунгабоқар, зиҳир, хартол, кунжут, рапс ва бошқалар) уруҳининг таннархи донли экинлар учун белгиланган тартибда аниқланади.

1ц пахтанинг таннархи уни ётиштириш ва йиштириш (ҳўзапоя бундан мустасно) харажатлари суммасини унинг Ҳисобга олинган (кондиция) миқдорига тақсимлаб аниқланади. Пахтанинг таннархи алоҳида навлар бўйича аниқланганда харажатларнинг умумий суммаси унинг харид нархларининг қийматига мутаносиб тақсимланади.

Тола берувчи зиҳир маҳсулотининг таннархини Ҳисоблашда ўстириш ва йиштиришга оид ишлаб чиқариш харажатлари уруғ ва тола миқдорига уларнинг уларнинг харид баҳоларидаги қийматига мутаносиб ўтказилади.

Ивиган зиҳир поясининг таннархи поҳол қиймати ва ёйиш, аҳдариш ва ивиган пояни кўтариб олиш харажатларини қамраб олади.

Бошқа йигириладиган экинлар (наша, ўрта Россия нашаси, жанубий наша, канаф, даҳал каноп, жут ва бошқалар) таннархи тола берувчи зигир маҳсулоти сингари Ҳисобланади.

1ц лавлаги илдиз мевасининг ишлаб чиқариш таннархи (фабрикада ишлатиладиган ва туҳанаги) уларни қанд лавлагининг (фойдаланиладиган баргининг қиймати харажатлардан чегириб ташлангач) физик массасига бўлиб аниқланади.

Тамаки ва мохорка хом ашёсининг таннархи ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси ва хом ашёнинг Ҳисобга олинган массасидан келиб чиқиб, харажатларни маҳсулотнинг алоҳида турларига уларнинг харид баҳоларидаги қийматига мутаносиб тақсимлаб аниқланади. Уруғчиликда 1ц тамаки, мохорка хом ашёси, уруғнинг таннархи муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли суммаси ва хом ашё, уруғнинг Ҳисобга олинган массасидан келиб чиқиб аниқланади.

Далада ўстириладиган доривор ўсимликлар айрим турлари маҳсулоти 1ц нинг таннархи мазкур маҳсулот турига ўтказилган умумий харажатлар суммасини унинг умумий массасига реализация баҳоси бўйича қийматига мутаносиб аниқланади.

Ўтсимон бир йиллик ва икки йиллик (кашнич, арпабодиён, ажгон, қора зира, оқ зира ва шу кабилар) ҳамда эфир мойли экинлар маҳсулотининг таннархи барча харажатларни уларнинг реализация баҳосидаги қийматига мутаносиб тақсимлаб аниқланади. Бунда тўлиқ пишгунча ўстириш ва йиштириш харажатлари уруғлар таннархига киритилади. Арпабодиён ва оқ зирадан думбиллик вақтида фойдаланилганда барча харажатлар эфир-мой хом ашёси таннархига ўтказилади.

Ўтсимон кўп йиллик эфир-мой экинлари бўйича (ялпиз, ёронгул, маврак ва бошқалар) экиш харажатлари Ҳар йили олинадиган маҳсулот миқдорига мутаносиб тақсимланади.

1ц картошканинг таннархи картошкани етиштиришга тааллуқли барча харажатларни палак қийматини чегириб, картошка хосилига тақсимлаб аниқланади.

Айрим сабзавот экинлари (1000 дона кўчат) 1ц Ҳосилнинг таннархи очик сабзавотчилик ва Ҳимоя қилинган ердаги сабзавотчилик бўйича алоҳида тарзда харажатлар суммасини палак харажатларини кўшиб маҳсулот массасига бўлиш йўли билан аниқланади.

1 ц шампиньонлар таннархини Ҳисоблашда барча харажатлар ишлатилган субстрат қийматини чегириб (йиштириш ва ташишдаги меъёрий

харажатлар нормативларидан келиб чиқиб) маҳсулот массасига ўтказилади.

Озиқ-овқат экини сифатида полиз экинлари айрим турлари 1ц Ҳосилнинг таннархи ўстириш ва ҳосилни йиғиштиришга тааллуқли барча харажатларни маҳсулот массасига тақсимлаб аниқланади. Бунда харажатлар айрим экинларга маҳсулот реализациясидан тушган даромадга мутаносиб тақсимланади.

Сабзавот ва полиз экинлари 1ц уруғнинг таннархи ўстириш, йиғиштириш, қуриштириш ва навларга ажратиш сарфларини тақсимлаб, бунда қўшимча маҳсулот (чиқит), массасига ўтказилган харажатлари истисно қилиб аниқланади.

Озиқа илдизмевалар ва полиз экинлари Ҳайвонларга озиқа сифатида берилган қанд лавлаги, уларнинг туганаклари таннархи юқорида сабзавот экинлари, қанд лавлаги ва полиз экинлари таннархини Ҳисоблашда баён этилган тартибда аниқланади.

Озиқа экинларини ўстириш ва йиғиштириш харажатлари улар маҳсулоти (ўтларнинг кўк массаси, хашак)нинг таннархини ташкил қилади.

Бутун турдаги маҳсулотни олишда фойдаланиладиган сепилган ўт, яхшиланган ва табиий пичанзор Ҳамда маданий ўтлоқлар харажатлари тўлиқ тарзда маҳсулот таннархига киритилади. Сепилган ўтлар, яхшиланган пичанзорлар, яхшиланган ва маданий ўтлоқлар Ҳамда бошқа табиий ерсувларидан бир неча маҳсулот турини олишда фойдаланилганда экинни етиштиришга килинган харажатлар экинларга 1га ердан озиқа бирлигига кўра Ҳисобланадиган маҳсулот Ҳосилига мутаносиб тақсимланадиган харажатлар йиғиндисидан таркиб топади.

Кўп йиллик ўтларни сепиш харажатлари (тугалланмаган ишлаб чиқаришга тегишли алмашлаб экишда экинлардан фойдаланиш йиллари миқдорида мутаносиб тарзда йиллар бўйича тақсимланади ва уларни ўстириш харажатларига тегишли харажат моддаллари бўйича киритилади.

Кўп йиллик ўт бошқа экин орасига экилганда ва экилган йили ўт Ҳосили олинганда тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича умумхаражатлар (экин бир вақтда амалга ошириладиган бўлса, ерга экишдан олдинги ишлов бериш сарфлари) Ҳар иккала экин ўртасида 1га ердан олинган Ҳосилга мутаносиб (центрларда Ҳисобланадиган озиқа бирлиги) тақсимланади. Агарда экилган йил Ҳосил иккинчи экиндан олинмаса, айтиб ўтилган барча харажатлар коповчи экинга ўтказилади.

1ц тайёр силос, сенаж (чиқитини чегириб) таннархи кўк массани етиштириш, уни франко-хандаққа ташиб келиш сарфлари ва силос бостириш, сенаж тайёрлаш, хандақларни тозалаш, силос ва сенаж массасини жойлаш Ҳамда шиббалаш, сомонни юклаш ва ташиш, хандақларни плёнка ва сомон билан ёпиш харажатлари йиғиндисидан аниқланади. Силос бостиришда ишлатиладиган бошқа компонентлар (илдизмевалар, қарам барги, картошка палаги, кунгабоқар тупгули ва шу кабилар) силос, сенаж ишлаб чиқаришнинг умумий сарфларига белгиланган тартибда Ҳисобланадиган қиймати бўйича киритилади.

Кўп йиллик ўсимликлар ва гулчилик маҳсулотларнинг таннархини Ҳисоблаш. Мева берадиган ёшдаги кўп йиллик ўсимликлар таннархини Ҳисоблашда жорий йилдаги умумий харажатдан қаламча, гажак, палгари, бачки, новда қиймати реализацияси баҲосида чегирилади.

1ц мева, резавор, узум таннархи харажатларининг умумий суммасини маҲсулот массасига (турлар, навлар бўйича) тақсимлаб аниқланади.

Ўстирилаётган экиш материаларининг алоҳида экин гуруҳлари бўйича (пўчоқли, уруғли, данакли ва шу кабилар) таннархини аниқлашда харажатларнинг Ҳар бир участка бўйича умумий суммаси реализация учун қовлаб олинган ва ўстириш учун ерда қолдирилган кўчатлар сонига мутаносиб тақсимланади. Қовланган, шу жумладан «қовлашда» бўлганларни Ҳам қўшиб, маҲсулотга тўғри келадиган харажатлар суммасидан 1000 донга кўчатнинг таннархи аниқланади. Ерда ўстиришга қолдирилган кўкартирилган кўчат, бир йиллик, икки йиллик кўчатлар кейинги йилга тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари тарзида ўтказилади.

Чорвачиликда жорий йилдаги барча харажатлар сараланган ва даҳал чой барги, кофеин учун таркибий материал ва уруғ таннархини ташкил қилади. Сараланган чой барги таннархини аниқлашда харажатларнинг умумий суммасидан даҳал чой барги, кофеин учун таркибий материал ва уруғнинг харид нархларидаги баҲоси чегирилади. 1ц сараланган чойнинг таннархи шу маҲсулотга ўтказилган харажатларни сараланган чой барги массасига бўлиб аниқланади.

Очиқ ва химояланган ердаги гулчилик ва гул экинлари уруғчиликдаги харажатлар маҲсулот турлари ўртасида уларнинг реализация баҲосидаги қийматига мутаносиб тақсимланади.

Кулмоқ, дафна, гўнг ва тут баргини ўстириш ва йиғиштириб уруғчиликдаги маҲсулот турлари ўртасида уларнинг реализация баҲосидаги қийматига мутаносиб тақсимланади.

Ҳисобот калькуляцияларини тузишда маҲсулот олишга сарфланган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш зарур бўлади. Бундан ташқари табиий офат ёки бошқа ноқулай табиий шароитлар туфайли тўлиқ нобуд бўлган экинзор майдонларига экинларни ўстиришга сарфланган харажатлар суммасига «Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича Ҳисоблашиш» счёти дебет ва «Фойда ва зарар» счёти кредит қилинади. Экинлар қисман нобуд бўлганда олинмаган маҲсулот суммасидан суғурта товонлари «Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича Ҳисоблашиш» счётининг дебетида ва «Деҳқончилик» счётининг кредитида акс эттирилади. Олинган товон «Ҳисоблашиш счёти»га ўтказилади. Шуни айтиш керакки, Ҳозирги кунда суғурта товонининг даражаси Фермер хўжалиги экин Ҳосилининг 60 фоизини ташкил қилади. Бу корхоналарнинг муътадил фаолиятлари учун барқарор молиявий шароитлар яратишга ёрдам беради.

1.3. Чорвачиликда харажатларни Ҳисобга олиш ва маҲсулот таннархини Ҳисоблаш

Чорвачилик деҳқончилик билан бир қаторда Фермер хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири Ҳисобланади. У ихтисос-лашувидан катъий назар, одатда Ҳар бир хўжаликда бўлади. Бу тармоққа қорамол, чўчқачилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва шу кабилар тааллуқлидир.

Чорвачиликдаги харажатларни Ҳисобга олиш объекти - чорванинг алоҳида турлари ва гуруҳларидир. Масалан, сутчилик йўналишидаги

чорвачиликда харажат объектлари-асосий пода, ёш қорамол, бўрдоқига боқилаётган катта ёшли мол, гўшт йўналишида - асосий пода, ёш қорамол, саккиз ойликдан катта ёш қорамол ва бўрдоқига боқилаётган катта мол. Чўчқачиликда - асосий, 2 ойликдан 4 ойликча бўлган чўчқа болалари, 4 ойликдан катта чўчқа болалари ва бўрдоқига боқилаётган чўчқалар Ҳисобга олиш объекти Ҳисобланади.

Чорвачиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҲсулотнинг чиқишини Ҳисобга олиш бўлинмалари, фермалар, бригадирлар ва шу кабилар бўйича амалга оширилиши керак. Чорванинг тури ва гуруҳлари бўйича харажатлар куйидаги калькуляция моддалари бўйича акс эттирилади:

1. Ижтимоий суғурта ажратмалари ва меҳнатга Ҳақ тўлаш харажатлари.
2. Ҳайвонларни Ҳимоя қилиш воситалари.
3. Озиқа.
4. Иш ва хизматлар.
5. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари.
6. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш харажатлари.
7. Суғурта тўловлари.
8. Бошқа харажатлар.
9. Чорванинг нобуд бўлишдан йўқотишлар.

Ишлаб чиқариш харажатларни Ҳисобга олишга оид бухгалтерия ёзувлари озиқани тақсимлаш юзасидан бошланғич хужжатлар - ведомостлар, табеллар, туғилган наслни кирим қилиш далолатномалари, Ҳайвонларни тортиб кўриш ведомостлари ва шу кабилар асосида амалга оширилади.

Чорвачиликдаги харажатлар ва маҲсулотнинг чиқиши Ҳақидаги маълумотлар кейин чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш Ҳисоботида Ҳамда чорвачилик маҲсулотининг чиқиш харажатларини Ҳисобга олиш дафтарида кўрсатилади (18-АФ). Уларнинг якуний маълумотлари 10-журнал-ордерга кўчирилади, Ҳисобга олиш автоматлаштирилган шароитда тегишли машинограммалар тузилади. Бу регистрларнинг Ҳаммаси ўтган ойдаги харажатларни йил бошидан ўсувчи якунида қайд этади.

Чорвачиликда харажатларни ва маҲсулотнинг чиқишини Ҳисобга олишда «Асосий ишлаб чиқариш» счётидан фойдаланилади. У шунингдек олинаётган маҲсулотнинг таннархини Ҳисоблашга Ҳам хизмат қилади. Счёт дебитида йил давомида бевосита (тўғри), йил охирида эса юқорида қайд этилган харажат моддалари бўйича билвосита (эгри) харажатлар кредитида маҲсулотнинг йил давомида режадаги таннархда чиқиши қайд этилади. Йил охирида, деҳқончиликда бўлганидаек, режадаги таннарх Ҳақиқий таннархга етказилади. Дебитидаги сальдо эса тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини англатади.

«Чорвачилик» счёти бўйича Ҳисоб юритишда харажатларни Ҳисобга олиш тартибини кўриб чиқамиз. «Суғурта ажратмалари ва меҳнатга Ҳақ тўлаш харажатлари» моддасида йил давомида чорвага бевосита хизмат кўрсатишга банд бўлган ишчилар: яъни операторлар, сут соғувчилар, бузоқ боқарлар, отбоқарлар, чўпонлар ва шу кабиларнинг меҳнати Ҳамда навбатдаги меҳнат таътилларига Ҳақ тўлаш акс эттирилади. Бу бевосита модда суммасига «Чорвачилик» счёти дебет, «Ходимлар билан меҳнатга Ҳақи бўйича Ҳисоблашишлар» ва «Ижтимоий суғурта бўйича Ҳисоблашишлар» ва бошқа

счётлар кредитланади.

«Ҳайвонларни химоя қилиш воситалари» моддасида корхона маблағларига олинадиган биопрепаратлар, дори-дармонлар, дезинфекция қилиш воситалари ва шу кабиларни харид қилиш ва сақлаш сарфлари, шунингдек улардан чорвачиликда фойдаланишга алоқадор харажатлар акс эттирилади. Бу моддага юқоридаги воситаларни ана шу мақсадларда бюджет маблағлари Ҳисобига харид этилган қиймати киритилмайди.

«Озиқа» моддасида сарфланган озиқанинг қиймати чорва тури ва гуруҳлари бўйича озиқани тақсимлаш ведомостлари асосида келтирилади. Бу ведомостларда Ҳар йили чорва сони, озиқа номи ва миқдори қайд этилади. Ой якунида ана шу ведомостлардан Ҳайвонлар озиқа-кунлари сони ва натурада Ҳамда озиқа бирлигига айлантирилган сарфланган озиқа миқдори, шунингдек озиқа қиймати аниқланади. Бу маълумотлар кейинчалик озиқалар сарфини Ҳисобга олиш журналида йил бошидан усувчи якунида Ҳисобга олинади.

Озиқа цехлари ва озиқани олдиндан тайёрлаш бўйича харажатлар аввало «Чорвачилик» счётининг алоҳида аналитик счётида акс эттирилади, сўнгра Ҳар ойда сарфланган озиқалар миқдorigа мутаносиб тақсимланади.

Бундай Ҳолларда озиқаларга оид харажатлар суммасига «Чорвачилик» счёти дебет «Уруғлар ва озиқа» счёти кредит қилинади.

«Иш ва хизматлар» моддасида ўз ёрдамчи ишлаб чиқаришлари томонидан чорвачиликга кўрсатиладиган иш ва хизматлар харажатлари Ҳамда чет корхона ва ташкилотлар кўрсатадиган ана шундай хизматлар учун тўлов харажатларини акс эттирилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларни Ҳисобга олиш мазкур бобнинг 4-пунктида ёритилган.

«Асосий воситаларни сақлаш харажатлари» моддасида бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлашга алоқадор харажатлар киритилади. Бу харажатларнинг таркиби ва Ҳисобга олишни деҲқончиликдаги ана шундай харажатларнинг таркиби ва Ҳисобга олиниши деҲқончиликдаги ана шундай харажатларнинг таркиби ва Ҳисобга олиниши билан бир хилдир.

Ҳайвонлар подасининг ўзига келсак, амортизация ажратмалари фақат иш Ҳайвонлари бўйичагина Ҳисобланади. МаҲсулдор Ҳайвонлар ишлаб чиқарилганда уларнинг қиймати реализациядан тушган пулдан қопланади. Чорвачиликда амортизация ва асосий воситаларни тузатиш харажатлари Ҳисобга олиш деҲқончиликдаги каби юритилади, фарқи фақат «Чорвачилик» счётининг дебет қилинишидадир.

Чорвачиликда ишлатиладиган асосий воситаларни сақлаш харажатлари одатда тўғридан-тўғри тегишли чорва тури, гуруҳига ўтказилади. Чорвачилик биноларида Ҳайвонларнинг бир неча гуруҳи сақланганда бу харажатлар улар ўртасида банд қилинган бино майдонига мутаносиб тақсимланади.

«Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш» моддаси бўйича Ҳисобга олиш мазкур бобнинг 5 бандида акс эттирилади.

«Суғурта тўловлари» моддаси бўйича Ҳисобга олиш тартиби деҲқончиликдаги кабидир, аммо бу ерда Фермер хўжалик Ҳайвонлари, уй паррандалари, қуёнлар, мўйнали Ҳайвонлар, асалари оилалари, шунингдек тегишли бинолар, ускуналар, машиналар: ва инвентарлар суғурта қилинади.

Бошқа харажатлар моддасида фермалар атрофини тўсиш, ветеринария-

санитария тадбирларини ўтказишга дахлдор бўлган дезинфекция тўсиқлари, санитария кўригидан ўтказиш жойлари ва шу каби объектларни тушама қиймати, сут соғувчи, чўчкабоқар, чорва ва паррандаларга қаровчи бошқа ходимларга берилувчи жомакорнинг эскириши, Ҳайвонлар учун ёзги молхоналар, шу кабилар харажатлари қайд этилади. Бу харажатлар бевосита Ҳайвонларнинг тегишли турларига ўтказилади.

«Чорва молларининг нобуд бўлишидан кўриладиган зарарлар» моддасида ёш ва бўрдоқига боқилаётган катта ёшдаги мол, парранда, ёввойи хайвон, қуён шунингдек асалари оилаларининг нобуд бўлиши натижасида кўриладиган зарарлар акс эттирилади, айбдор шахслардан ундирилиб олинadиган қисми бу моддага киритилмайди. Табиий офатдан кўриладиган зарарлар бевосита «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетида ўтказилади.

«Чорвачилик» счётида акс эттирилган бухгалтерия ёзувларидан сўнг, аналитик счётлар бўйича айрим чорва тури ва гуруҳлари бўйича йил давомида уларга тегишли счётнинг кредитида эса йил давомида ўсувчи якунида етиштирилган ва олинган чорва маҳсулотининг режадаги таннархи акс эттирилади ва қуйидаги счётлар билан корреспонденцияланади: «Тайёр маҳсулот» счётининг дебети-чорвачилик маҳсулоти қийматига, «Ўстиришда ва бўрдоқига боқилаётган Ҳайвонлар» счётнинг дебети ёш мол ва бўрдоқига боқилаётган хайвон, шунингдек туғилган Ҳайвонлар боласининг қийматига, «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебети - далага ташиб чиқилган гўн қийматига.

Йил охирида маҳсулотнинг Ҳақиқий таннархи аниқланади ва Ҳақиқий Ҳамда режадаги таннархи ўртасидаги аниқланган фарқ қўшимча бухгалтерия ёзуви орқали тўғриланади, агарда Ҳақиқий таннарх режадаги таннархдан паст бўлса, тескари (қизил) ёзув, ёки режадаги таннархи Ҳақиқий таннархдан паст бўлса, оддий қўшимча ёзув қилинади.

Чорвачилик маҳсулоти бирлиги таннархини калькуляция қилиш тартиби. Бу соҳада Ҳам асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот фарқланади. Чорвачиликда калькуляция объектлари алоҳида маҳсулот турлари, чорва боласи, тирик вазнинг ортган (ўсган оғирлиги Ҳисобланади).

Чорвачиликда харажатларининг аналитик Ҳисоби маҳсулот турлари бўйича эмас, балки чорва тури ва гуруҳлари бўйича юритилади. Чорванинг бир тури ёки гуруҳидан икки ва ундан кўпроқ маҳсулот тури олинганда уларнинг таннархи белгиланган тартибда аниқланади.

Чорва ва паррандаларни боқиш учун йил давомида сарф қилинган харажатларга йил бошидаги уларга тегишли тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини қўшиб, йил охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни чегириб чорва маҳсулотларининг таннархи аниқланади. Тирик вазнининг таннархи-Ҳисобот йили бошидаги боқувда ва ўстиришдаги Ҳайвонлар ва паррандалар қийматига йил давомидаги уларни боқиш ва ўстириш харажатлари, четдан, асосий подадан боқувга ўтказилган Ҳамда Ҳисобот йилида туғилган хайвон болалари қийматларини қўшиб, уларнинг тирик вазнига бўлиши асосида аниқланади. Бунда нобуд бўлган чорва ва паррандаларнинг қўшилган вазни (моддий жавобгар шахслар айби билан нобуд бўлганлар мустасно), Ҳамда боқувга қўйилмасдан сўйилган ёки сотилган, бракка чиқарилган катта ёшли Ҳайвонлар вазни Ҳисобга олинмайди.

Гўнг харажатлари муайян шароитларда меъёрий харажатларда молхоналарни гўнгдан тозалаш ва уни йиғиштириш харажатлари гўнгхонадан гўнгни олишда ишлатиладиган машиналарининг амортизация ажратмалари. Гўнгни чиқариш ва сақлаш сарфлари ва тушама қийматига кўра аниқланади.

Суюқ гўнг намлигига кўра белгиланган коэффициентлар бўйича шартли гўнгга айлантириб Ҳисобга олинади. Намлиги 90 фоиздан ортиқ бўлган суюқ гўнг чорвачилик фермасининг оқава сувларига киритилади. 1т гўнгнинг таннархи харажатларининг умумий суммасини унинг физик массасига тақсимлаб аниқланади.

Юнг, момиқ, пат (тўллагандаги), қил туёқ, сўйилган ёввойи Ҳайвонлар гўшти, териси Ҳамда ўлган мол ва паррандаларнинг (юқумсиз касалликларидан) фойдаланилган гўшти фойдаланиш мумкин бўлган ёки сотиш нархида баҳоланади ва уларнинг қиймати тегишли хайвон Ҳамда парранда турлари ва гуруҳлари харажати камайтиришга йўллантиради.

Таннархни Ҳисоблашда Ҳар бир турдаги ёш ва катта ёшдаги Ҳайвонлар гуруҳлари бўйича чорва ва паррандалар тирик вазнининг йил давомида ортиши, йил охирига қолдирилаётган чорва (парранда)ни у ёки бу турининг тегишли гуруҳи ва сонининг тирик вазнини қўшиб, Ҳосил бўлган миқдоридан йил давомида бу гуруҳдан боқишга ўтказилганларнинг тирик вазни, шунингдек шу гуруҳда йил бошида бор бўлган чорва сонининг тирик вазнини чегириб аниқланади. Ҳисобланган миқдор мазкур чорва ёки парранда гуруҳи ва бўйича тирик вазнининг ортишини ташкил қилади (Ҳисобга олишда ва Ҳисобот йилида ўлган Ҳайвонлар бўйича йил бошидан бошлаб ўлган вақтигача ўсган вазнини қўшиб Ҳисобланади).

1ц қўшилган тирик вазннинг таннархи тегишли технологик гуруҳдаги чорва ва паррандалар тирик вазнининг ортишга киритилган харажатлар суммасини тирик вазннинг ортган центнерлари миқдорига (ўлган Ҳайвонларнинг ўсган вазнини қўшиб) бўлиб аниқланади. Чорва ва паррандалар 1ц тирик вазнининг таннархи уларнинг қийматини тирик вазнлар миқдорига бўлиб (ўлган Ҳайвонлар вазнининг ортиши киритилмайди, бунда ўлган Ҳайвонлар массаси йил охирида унинг Ҳақиқий таннархига Ҳисобланмайди) аниқланади.

Сут йўналишидаги чорвачиликда 1ц сут ва 1 бош бузоқнинг таннархи сут берадиган сигирлар ва наслдор буқаларни боқиш харажатларидан бошқа маҳсулот турлари: гўнг, тўллагандаги юнг ва қилга ўтказилган харажатларни чегириб аниқланади. Сут чорвачилигида харажатларнинг умумий суммасидан гўнг ва шу кабилар қиймати чегирилгандан сўнг қолган харажатлар озиқанинг алмашинув энергияси сарфига кўра - сутга 90 фоиз, бузоққа 10 фоиз тақсимланади.

Барча ёшдаги сут чорвачилигининг ёш Ҳайвонлари ва асосий подадан чиқарилган катта Ҳайвонлари тирик вазнининг ўсиш таннархи уларни боқиш таннархидан бошқа маҳсулотлар қийматини чегириб аниқланади. 1ц қўшилган вазннинг таннархи тегишли харажатлар суммасини тирик вазннинг таннархи тегишли харажатлар суммасини тирик вазннинг ортган центнерлари миқдорига (ўлган Ҳайвонлар тирик вазннинг ортишини қўшиб) тақсимлаб аниқланади.

Бўйволлар ва кўтослар 1ц сут тирик вазннинг ортиш таннархи сут чорвачилигининг маҳсулоти таннархи сингари Ҳисобланади.

Гўшт чорвачилигида 1 бош бузоқнинг туғилишдан тирик вазни ва ўтган йилги ажратилган бузоқлар (саккиз ойлик) 1ц. тирик вазни Ҳақиқий таннархидан келиб чиқиб аниқланади.

Бузоқлар тирик вазнининг таннархи саккиз ойгача бўлган бузоқ вазнининг Ҳам қўшиб, сигир ва Ёунажинлар, наслдор буқалар ва саккиз ойликкача бўлган бузоқларни боқиш харажатларини ташкил қилади, бундан сут (реализация баҲосида) ва бошқа маҲсулотлар (гўнг, жун, шох, қил, туёқ)га ўтказилган харажатлар чегириб ташланади.

Бузоқлар 1ц тирик вазнининг таннархи насл ва саккиз ойгача бўлган бузоқлар тирик вазнига ўтказилган харажатлар суммаси ва йил бошида шу гуруҳ да бўлган Ҳамда йил бошидан келиб тушган бузоқлар баланс қийматини йил охирида бор бўлган ва Ҳисобдан чиққан, бунга ўлганларнинг тирик вазнини Ҳам қўшиб (жорий йилдаги ўсиш қисмида), бузоқларнинг умумий тирик вазнига бўлиб аниқланади. Йил охирги қолган бузоқлар қиймати ана шу таннархдан келиб чиқиб аниқланади.

Саккиз ойдан катта бўлган ёш мол ва бўрдоқига боқилаётган катта моллар тирик вазнининг таннархи, уларни сақлаш ва боқиш харажатларидан ёрдамчи маҲсулотларга ўтказилган сарфлар чегириб ташлангач аниқланади.

Чўчқачилик маҲсулотининг таннархи она чўчқани болалари билан наслдор эркак чўчқалар, ўстиришда ва бўрдоқига боқилаётган чўчқаларни боқиш харажатларини қамраб олади. Бу харажатлар чўчқачилик маҲсулотининг алоҳида: яроқли насл боши, тирик вазннинг ортиши ва гўнгга ўтказилади.

Тирик вазнининг ортиши ва 1 бош наслнинг ажратиш вақтидаги таннархи асосий подани боқиш сарфларининг умумий суммасини (қўшимча маҲсулот қийматини чегириб) ажратилган насллар, бунга тугилгандаги тирик вазнини Ҳам киритиб, тирик вазнининг ўсган миқдорида тақсимлаб аниқланади.

Ажратилган чўчқа болалари 1ц тирик вазннинг ортиш таннархи йил бошида онаси билан бўлган чўчқа болалари қиймати суммаси ва жорий йилда ажратилган болалар тирик вазнига (ўлганларини Ҳам қўшиб) асосий пода бўйича харажатларни бўлиб аниқланади.

қолган гуруҳ даги чўчқалар (ўстиришдаги ва бўрдоқига боқилаётган) 1ц тирик вазнининг ортиш таннархи тегишли гуруҳ лар бўйича харажатларни шу гуруҳ да эришилган ўсиш миқдорида тақсимлаб аниқланади.

Ихтисослашган хўжаликларда чўчқачилик маҲсулотининг таннархи тармоқ бўйича умуман ва Ҳар бир технологик гуруҳ бўйича, ихтисослашмаган хўжаликларда фақат тармоқ бўйича аниқланади. Умуман тармоқ бўйича чўчқалар тирик вазнининг ялпи ўсишининг таннархи, наслнинг (ўлганларини Ҳам қўшиб) туғилишдаги тирик вазнини Ҳам қўшиб Ҳисобга олиш объектлари бўйича харажатлардан келиб чиқиб аниқланади. Чўчқалар 1ц тирик вазннинг таннархи юқорида баён этилган тартибда Ҳисобланади.

қўйчилик ва эчкичилик маҲсулотининг таннархи катта ёшли ва ёш молларни боқиш, жун қирқиш, шунингдек қоракўлчиликда кузиларни сўйиш Ҳамда териға ишлов бериш харажатларидан иборат бўлади. Гўшт-жун ёки жун-гўшт қўйчилигида ишлаб чиқариш харажатлари маҲсулот турлари: жун, тирик вазннинг ортиши, насл, сут, қоракўлчилик ватри қўйчилигида, юқорида айтилганлардан ташқари тери ва қоракўл, ўстиришга қолдирилаётган

кўзиларининг тирик вазни бўйича тақсимланади.

кўзиларнинг туҳилиш вақтидаги таннархи асоси пода кўзиларини боқиш учун умумий сарфларнинг жун-гўшт қўйчилигида 10 фоизи, қорақўлчиликда 15 фоиз миқдорида белгиланади.

Асосий маҳсулот турлари таннархини Ҳисоблашда (тирик вазннинг ортиши ва жун) қўйларни боқиш харажатларининг умумий суммасидан қўшимча маҳсулот қиймати чегирилади. қолган харажатлар бу маҳсулот турларига белгиланган меъёрлардаги озиқа сарфларига (озиқа бирликларида) мутаносиб тақсимланади.

Жун қирқиш пунктини сақлаш, қўй (эчки)лар жунини қирқиш, жунни навларга ажратиш, жойлаш, тамғалаш харажатлари жунга ўтказилади, қорақўл кўзиларини сўйиш, терига дастлабки ишлов бериш ва уларни ташиш харажатлари қорақўл териси таннархига киритилади.

кўзиларни ажратиш вақтида 1ц орган тирик вазннинг таннархи кўзиларнинг (қорақўл кўзиларини туҳилиш вақтида, ўстиришга қолдирилган) таннархи, тирик вазннинг ортиш харажатлари қорақўл кўзилар қиймати ва ажратиш вақтидаги четдан келтирилган кўзилар қиймати ва ажратиш вақтидаги тирик вазни билан (ўлганларнинг тирик вазнини чегирмай) жорий йилдаги ортиш қисми бўйича аниқлади. Ёш қўй ва бўрдоқига боқиладиган катта қўй 1ц тирик вазнининг таннархи юқорида баён этилган тартибда аниқланади.

Эчкичиликда насл, тирик вазн, жуннинг таннархи худди қўйчилик (қорақўлчиликдан ташқари) маҳсулотлари таннархи сингари аниқланади.

1 минг дона тухум 1 ц. парранда тирик вазнининг таннархи парандани боқиш ва ўстириш харажатлари (бундан пар-пат, гўнг ва бошқа маҳсулотлар қийматини чегириб) ва тегишли маҳсулот (тухум, тирик вазнининг ортиши) миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

Бир суткалик жўжаларнинг таннархини аниқлаш бўйича (уларнинг қийматини Ҳам қўшиб) барча харажатларни ишлаб чиқариш чикитлари, палаҳда тухумлар (мумкин бўлган реализация баҲосида) қийматини чегириб яроқли суткалик жўжалар миқдорида бўлиб аниқланади.

кулуннинг туҳилгандаги таннархи бияни боқишга сарфланадиган 60 кунлик озиқа қийматига кўра аниқланади.

Наслдор йилкичиликда тойни ажратиш вақтидаги таннархи бия, наслдор айҳир ва синовдаги айҳирни боқишнинг йиллик харажатлари суммасидан гўнг ва бошқа маҳсулотлар қиймати Ҳамда бия ва айҳирлар ишининг қийматини (шу отларнинг от-кун таннархи меъёрларига кўра) чегириб аниқланади.

Отларни отхона-яйловда боқиладиган қимизчилик фермаларида маҳсулотнинг асосий тури бия сути-қимиз ва ажратишгача боқиладиган кулунлардир. Бия сутининг таннархи қимизчилик фермаси биялари ва наслдор айҳирларни боқиш харажатлари (соҳиш ва кулунларни қўшимча озиқлантириш харажатларини Ҳам киритиб) суммасидан, бундан ажратиладиган кулунлар, бия ва айҳирлар иши, гўнг ва тулланган жун ва қил қийматини чегириб аниқланади. Бунда зотдор бўлмаган кулунлар гўштга мўлжалланган кулунлар баҲолари бўйича зотдор ажратиладиган кулунлар тегишли зот I класс ва II категориясидаги бир отга белгиланган амалдаги преysкурant баҲонинг 40 фоизи хажмида, бия ва айҳирлар ишининг қиймати, иш отларининг от-кун норматив таннархи бўйича, гўнг, белгиланган баҲоларда ва от қили ва жуни

мумкин бўлган реализация баҲоларида баҲоланади.

Насл ва қимиз олинадиган уюрлаб боқиладиган йилқичиликда бия ва наслдор айҳирларни боқиш харажатлари (қўшимча маҲсулот қийматини чегириб) насл (яроқли) ва қимизга белгиланган коэффицент бўйича тақсимлаб ўтказилади: қимиз 1,0 той 6-9 қулун бир бош – 6,0.

қимизчиликнинг таннархи бия сутига ўтгазилган сарфлар ва уни қайта ишлаш сарфларидан келиб чиқиб аниқланади. Ўстирилаётган тойнинг таннархи уни боқиш харажатларидан гўнг, маҲсулот, бажарилган ишлар қийматини чегириб аниқланади.

Ёш отларнинг таннархи Ҳисобот йилида белгиланган озиқа-кунлар миқдорига кўра боқиш харажатларини ва бир озиқа-кунининг ўртача қийматини Ҳамда келтирилган ёки туҳилган йил бошида Ҳисобда бўлган ёш от қийматини жамлаб аниқланади.

Туячиликда 1 туя боласининг таннархи туяни боқишнинг 120 озиқа кун қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Буталокнинг ажратиш вақтидаги таннархини аниқлашда йил бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларига буталокли туялар асосий подасини боқиш бўйича жорий йилдаги харажатлар киритилиб, Ҳосил бўлган суммадан катта туялар иши, олинган сут, жун, гўнг ва бошқа маҲсулотлар қиймати Ҳамда келгуси йилга ўтадиган тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати чегирилади. Фарқ ажратиладиган бўталоклар таннархинин ташкил қилади.

Шимол буғучилигида буғуларни боқишнинг умумий харажатлари ёш гуруҳ лари (урғочи ва наслдор эркак буғу, жорий йилда туҳилган ёш буғулар, ахта (бичилган) қилинган буғулар) бўйича озиқа-кунлар сонига мутаносиб Ҳайвонларнинг тегишли гуруҳ ларига, ўлган, йўқолган, мажбуран сўйилган буғулар озиқа-кунларини Ҳам қўшиб тақсимланади. Бунда бичилган эркак буғуларни боқишга қилинган сарфлар буғуларнинг тегишли ёш гуруҳ ларига озиқа-кунлар сонига мутаносиб тақсимланади.

1 бош наслнинг таннархи она буғулар, наслдор эркак буғуларни боқиш харажатлари ва Ҳайвонларнинг бу гуруҳ ига тўғри келган бичилган эркак буғуларни боқиш харажатлари суммасини, қўшимча маҲсулотлар қийматини чегириб, олинган насллар сонига тақсимлаб аниқланади. Йил давомида бугу насллари режадаги таннархида кирим қилинади.

Жорий йилда туҳилган буғу наслининг таннархи олинган насл таннархи, бу гуруҳ га четдан келтирилгани ёш буғу қиймати ва жорий йилда тугилган ёш буғу тирик вазнининг ортиш таннархининг қўшилишидан келиб чиқади.

Жорий ва ўтган йилда туҳилган ёш буғунинг ўсиш таннархи унинг боқиш харажатлари ва бичилган буғуларнинг бошқа харажатлари қисмининг қўшилишидан пайдо бўлган суммадан бошқа маҲсулотлар қийматини чегириб аниқланади.

Ўтган йилларда туҳилган 1 бош ёш буғунинг таннархи ёш буғунинг йил бошидаги ва четдан келтирилган ёш буғунинг қиймати, уни тирик вазнининг ортиш харажатлари (ўлган Ҳайвонлар қийматини чегириб) суммасини йил охирига сақланиб колган ёш буғулар сонига тақсимлаб аниқланади.

Шох етиштирувчи буғучиликда асосий пода буғуларини боқиш харажатлари насл (туҳилганда) ва шох хом ашёсига ўтказилади.

Асосий подани боқиш харажатлари (бошқа маҲсулотлар қийматини

чегириб) шох хом ашё ва насл ўртасида олачипор кийик ва морол болалари, улардан олинган шохларга белгиланган нисбатларда тақсимланади. Бунда олачипор кийикларда туҳилган бола 145г., моролда - 445г. ишлов берилмаган шохга тенглаштирилади. Биринчи насл шохлар таннархида баҲоланади.

Ёш буғу қўшилган вазнининг таннархи бошқа маҲсулотлар қиймати ва биринчи болалар ишланмаган шохлар қиймати чегирилгач, уни боқиш харажатлар умумий суммасидан аниқланади. Ўстирилган ёш буғунинг таннархи шимол буғучилигидаги сингари Ҳисобланади.

куёнчиликда бир бош наслнинг туҳилгандаги таннархи ажратиш вақтидаги 1 бош ёш куён режадаги таннархининг 50 фоизи хажмида белгиланади.

(Тирик қолган) яроқли 1 бош наслнинг таннархи катта ёшли урғочи ва эркак Ҳамда ажратишгача бўлган ёш куёнларни боқиш харажатлари (бундан гўнг ва бошқа маҲсулотлар қийматини чегириб) умумий суммасини яроқли насллар сонига бўлиб аниқланади.

Ёш куённи ажратгандан кейинги ўстириш харажатлари - ёш куёнларнинг қўшилган тирик вазнининг таннархини ташкил қилади. 1 ц тирик вазнининг таннархи юқорида баён этилган тартибда Ҳисобланади.

1 бош наслнинг туҳилишдаги таннархи ажратиш вақтидаги ёш мўйнали хайвон боласиннинг ажратиш вақтидаги таннархи катта ёшли мўйнали харажатларни насли билан боқиш харажатларини (гўнг ва бошқа маҲсулотлар қийматини чегириб) ажратилган ёш Ҳайвонлар сонига бўлиб аниқланади.

Жорий йилдаги ёш хайвоннинг таннархи катта ёшли ва жорий йилдаги ёш Ҳайвонларни боқиш харажатларининг умумий суммасини (гўнг ва бошқа маҲсулотлар қийматини чегириб) яроқли ёш Ҳайвонлар сонига бўлиб аниқланади. Ўтган йилда туҳилган яроқли ёш Ҳайвонлар таннархи (тери учун сўйилган, асосий подага ўтказилган ва йил охирида қолган) ёш хайвоннинг йил бошида бўлган қиймати ва уни йил давомида ўстириш харажатлари суммасидан келиб чиқувчи жорий йилда ортган вазнининг таннархидан иборат бўлади.

1 минг балиқчалар таннархи йил давомида урғочи балиқли ва увилдириқли ховузларда бўладиган наслдор балиқларни боқиш харажатлари суммасини увилдириқли ховузлардан кўчирилган балиқчалар сонига бўлиб аниқланади. 1ц шу йилги балиқчалар таннархи балиқчаларнинг умумий қиймати ва кўчириладиган балиқлар (шу йилги балиқлар)ни ўстириш харажатларини ўстирилган шу йилги балиқлар центнерлари сонига (шу йилги балиқларнинг ўртача оғирлиги 30 гр) бўлиб аниқланади.

қишлаш ховузларидаги шу йилги балиқчалар қиймати келгуси йилга ўтувчи тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари деб қаралади. Бир йилги балиқлар қишлаш ховузларидан катта ховузларга кўчирилгандан кейинги барча харажатлар товар балиқни ўстириш харажатларига киритилади. Бу харажатлар 1 ёшли балиқлар қийматига Ҳам, уларни овлаш ва реализация қилишгача ўстириш харажатларига Ҳам киритилади.

1ц товар балиқнинг таннархи товар балиқни ўстириш харажатлари суммаси ва олинган товар балиқ миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

Тўлиқ системали бўлмаган балиқчилик хўжалигида товар балиқнинг таннархи балиқ кўпайтириш материал қиймати ва товар даражасигача ўстириш харажатларидан таркиб топади.

Чанглатиш. Асал олиш йўналишидаги асаларичилик маҳсулотини Ҳисоблашда харажатларнинг умумий суммасидан ўз ва бошқа хўжаликларда асаларилар чанглатадиган экинларга асалари оилалари боқиш харажатларининг 20-40 (мева-резавор экинлар, уруғ учун экилган беда ва йўнгичка бўйича 40-60 фоиз) фоизи чанглатиладиган экинлар майдонининг катталиги ва уларнинг Ҳосилдорлигига кўра тақсимланади.

Чанглатиш йўналишидаги асаларичиликда асалариларни боқиш бўйича барча харажатлар асаларичиликнинг асал, мум, она асалари ва бошқа маҳсулотларнинг реализация баҳоларидаги қийматларини чегириб чанглатиладиган экинлар таннархига кўчирилади.

Асаларичилик айрим маҳсулотлари турларининг таннархи (мум, она асалари, асаларили халталар ва шу кабилар) маҳсулот турлари бўйича харажатлар суммасини уларни реализация баҳосидаги қийматларига мутаносиб тақсимланади. Мумкатаклар сонининг кўпайиши таннархи эритилган кондицион мум таннархи бўйича Ҳисобланади. Бунда 435х300 ўлчамли уя мумкатак 140г. 435х230 мм ўлчамлиси-110г. 43лх145 ўлчамли магазин мумкатаги 70г. мумга тўғри келади.

Янги асалари оилаларининг таннархи реализация баҳолари бўйича қабул қилинади ва 1 кг мумнинг таннархи 10 кг асал таннархига тенглаштирилади.

Товар асал Ҳамда уяларда ва кузги-қишки-баҳорги озиқа сифатида омборда қолдирилган асал запаси асалнинг ялпи чиқиши Ҳисобланади.

қурт уруғининг таннархи суммасидан наслдор пиллалар қиймати ва уруғни тайёрлаш харажатлари суммасидан қурт уруғини олишга тайёрлашган ва капалаклари чиқмаган пиллаларнинг реализация баҳосидаги қиймати чегириб аниқланади.

Хом пилла таннархига уруғни тайёрлаш таннархи ёки харид баҳоси (харид қилинганда) бўйича қиймати, уруғни инкубация қилиш, қуртларни боқиш ва пилла олиш харажатлари киритилади. 1 кг хом пилланинг таннархи бошқа маҳсулотлар чегирилган харажатлар суммасини олинган пилла миқдорига бўлиб аниқланади.

қишлоқ хўжалик Ҳайвонларини сунъий уруғлантириш станция ва пунктларида сперманинг таннархи хар бир наслдор хайвон тури бўйича Ҳисобланади.

Наслдор Ҳайвонларни янги олинган аралаштирилмаган сперма таннархига уларни боқиш харажатлари (кўшимча маҳсулот қийматини чегириб), шунингдек наслдор Ҳайвонларнинг зотини иммуноген теширишга алоқадор харажатлар киритилади. Наслдор кўчкорлар спермаси таннархини Ҳисоблашда харажатларнинг умумий суммасидан жуннинг қиймати чегирилади.

Наслдор Ҳайвонлар 1 мл аралаштирилмаган спермасининг таннархи бу маҳсулотга ўтказилган харажатлар суммасини хар бир хайвон (наслдор) тури бўйича сперманинг Ҳақиқий чиқишига тақсимлаб аниқланади.

Ўзи ишлаб чиқарган ва харид қилинган 1 мл аралаштирилган сперманинг таннархи ўзида ишлаб чиқарилган сперманинг таннархи Ҳамда харид қилинган сперма қийматидан ташкил топувчи харажатларнинг умумий суммасини олинган аралаштирилган сперманинг умумий миқдорига (текшириш учун қолдирилганларини чегириб) тақсимлаб аниқланади.

Тайёрлаб музлатилган сперманинг умумий қиймати йил бошига қолдиқда бор бўлган музлатилган сперма қиймати, ўзи ишлаб чиқарган ва харид қилган сперма қиймати, спермани музлатиш ва уни сақлаш харажатларидан таркиб топади. Тайёрланган музлатилган сперманинг миқдори йил бошига бор бўлган қолдиқ сперма, ўзи ишлаб чиққан ва харид қилинган музлатилган спермадан, текшириш мақсадларида сарфланган, музлатилгандан сўнг брак қилинган, уларни сақлаш ва эритиш вақтидаги йўқотишларни чегириб Ҳосил қилинади.

Музлатилган 1 мл сперманинг таннархи умумий харажатлар суммаси ва музлатилган маҳсулот миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

Спермани реализация қилишга алоқадор транспорт ва бошқа харажатлар унинг тўлиқ таннархига киритилади.

II-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ КИЛИШ

2.1.Аудиторлик фаолияти тугрисида тушунча, аудиторлик фаолиятининг ҳукукий асослари.

Иктисодий ислохатларни босқичма-босқич амалга оширилиши бозор элементларини иктисодиётга жорий этила боришни бошқаришни ва мулк шаклини тубдан узгартиришини такозо килди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш мулкка булган муносабатини узгартирди унинг туликлигини таъминлашда назоратини хар бир мулкдор зиммасига юклайди.

Утган узок вақт ичида мулкни туликлигини назорати бевосита давлат томонидан тузилган назорат утказиш режаларини тузиш бажарилишини ташкил килиш билан ифодаланган булса, хозирга келиб амалга оширилган иктисодий ислохатларни самараси уларок хар бир мулк эгаси назорат шаклидан уз хохиши билан фойдаланиш даражасига эришди.

Ута марказлаштирилган бошқариш тизимида ҳисоб ва назорат факат ҳисобот тузиш учун хизмат килиб келди. Корхона молиявий ҳолатини тахлил килишда ҳисоб ва назорат уз таъсир кучига эга булмай келди.

Хозирги кунга келиб Республика иктисодиётидаги иктисодий узгаришлар, хорижий сармоялар кириб келиши, хусусийлаштиришнинг ривожланиши турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ташкил топиши бухгалтерия ҳисоботида ва назоратда илгор усулларни танлаш ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий килиш имкониятларини яратди. Мустакиллимизни утган даврида бу борада бир катор ишлар амалга оширилди, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби, харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби аудиторлик фаолияти тугрисида конунлар қабул килинди.

Бундан асосий мақсад иктисодиётни барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохатларни ҳисоб ва назоратидаги таъсирини оширишдир. Бозор муносабатлари ҳисоб ва назорат олдига янги иктисодий усуллар ва талабларни яъни инвестиция, дивиденд, акциялари келтириб чиқаради, булар ёрдамида корхона фаолиятини ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Республикаимиз иктисодиётида турли мулкчилик шакллариининг пайдо булиши, корхоналарни чет эл инвестицияси билан ҳамкорликда фаолият

курсатиш назорат тафтиш ишларини халқаро талаблар доирасида ташкил килинишин талаб кила бошлади.

Хар қайси ташкилот ва корхона хужалик фаолиятини ташкил килишда тегишли асосий ва айланма маблағларига эга буладилар. Маблағлар ҳолати, уларнинг тулиқлиги тегишли моддий жавобгар шахслар зиммасида бўлиб, бу тугрида корхона бухгалтериясига белгиланган муддатларда моддий жавобгар шахслар товар ва моддий бойликларнинг харажати тугрисида ҳисобот топширадилар. Ҳисобот курсаткичлари ёрдамида маблағларнинг ҳаракати ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича бухгалтерия ёзувлари орқали назорат килиб борадилар. Назорат ҳолати, қандай назорат усулидан фойдаланиш биринчидан мулк шаклига боғлиқ бўлса, иккинчидан корхона ташкил килиш имконияларига боғлиқдир.

«Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги (янги таҳридаги) қонунни қабул килиниши (иктисодий) назорат ишларини соддалаштиришга, унинг таъсир қучини оширишга ва эркин назорат усулини шакллантиришга қаратилган йуналишдир.

Жамият таракқиётида, унинг ҳар бир босқичида шаклланган назорат тури шу жамият ривожини учун хизмат қилади ва унинг ёрдамида жамиятга тегишли хом-ашё, материал ресурсларнинг ҳолати урганилади ва тулиқлигини таъминлаш чора тadbирлари амалга оширилади.

Узоқ йиллар давомида асосий назорат усули бўлиб тафтиш утқазилган фойдаланиб келишди. Бу усул режали иктисодиётни бошқарувчи усул деб ҳам ҳисобланар эди. Тафтиш ишлари олдиндан тузилган ва тасдиқланган режа асосида утқазилиши, тафтишчига турли топширик ва курсатмалар бериш йули билан амалга оширилиши таъминланар эди. Назорат утқазилганининг бундай усулида корхона ва ташкилотларнинг хужалик фаолияти фақат бир томонлама яъни режа топширикларини бажарилишини текшириш билан яқунланар эди.

Республикада утқазилаётган иктисодий ислохотларнинг самарасини шундаки-мулкнинг давлат тасарруфидан чиқаришга, уни уз эгасига етқазиб беришга эришилди. Мулкнинг эркинлик намоён бўлди. Ҳар бир мулк эгаси уз мулкнинг тулиқ назорат килиш даржасига эришди. Мулк эгаси уз мулкнинг тулиқлигини таъминлаш мақсадида узини учун ишончли, бетараф назорат усулидан фойдаланиши мумкин. Бундай назорат тури аудит назоратидир. Аудит назорати Республикада ёш ва янги назорат тури ҳисобланиб, унинг жорий килиниши 90-йиллардан бошланди.

Аудит назоратини жорий килиш бевосита мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш даврига тугри келди. Бу дегани суз аудитга қадар назорат ишлари паст савияда олиб борилган деган маънони билдирмайди, чунки тафтиш усули кенг қулланилган. Тафтиш ва аудит назорати бир-бирига ухшаш бўлса ҳам, улар тубдан фарқ қилади.

Биринчи фарқи аудит бу мулк эгасининг яъни хужалик юритувчи субъектнинг хоҳиши билан унинг талабига биноан тузилган шартномага асосан утқазилди.

Иккинчидан аудит назоратида фақат ҳолатнинг текширибгина қолмай мулк эгасига хужалик фаолиятини яхшилаш тугрисида тегишли маслаҳатлар беради.

Учинчидан хужаликда амалга оширилган операцияларини амалдаги конунларга мос келишини белгилаб беради, иш фаолиятида йул куйилган камчиликларни бартараф килишда ёрдам беради.

Аудит ёрдамида хисоб-китобларни тугри юритилиши хисоб ва хисоботлар сифати, молиявий натижаларнинг тугри аниқланганлиги текширилади. Текшириш аудитор томонидан олиб борилади.

Аудит лотинча суз булиб, у эшитади, деган маънони билдиради. Аудитор тузилган шартнома асосида хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини, хисоб-китоб ишларини тугрилигини назорат килиб, уз хулосасини берувчи юридик шахс хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида «Аудиторлик фаолияти тугрисида» конун қабул килиниши ва бу соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлаш маъсулиятини янада оширади. Республикмизда кенг кулоч ёзган иктисодиётни эркинлаштириш аудит назоратини янги кирраларини очиб берди ва 1992 йилда қабул килинган аудиторлик фаолияти тугрисидаги конунга тегишли узгартиришлар ва қушимчалар киритилишини тақозо қилди.

Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 26 майда «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунга узгартиришлар ва қушимчалар киритиш ҳақида конун қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги конун аудиторлик фирмаларининг ҳуқуқларини, мажбуриятларини, жавобгарлигини янада оширади. Конуннинг 2-моддасида: «Аудиторлик фаолияти деганда-аудиторлик текширувини утқазиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар курсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақикланади» деб белгилангандир.

Қорхона ва ташкилотлар, хужалик юритувчи субъектларнинг асосий фаолиятини бошқариш. Ташкил қилиш асоси бўлиб уларнинг устави хисобланади. Уставга асосан аудиторлик ташкилотлари уз хужалик фаолиятини юритадилар ва амалдаги конунларга, фармон ва низомларга мос ҳолда фаолият курсатадилар.

Хужалик юритувчи субъектларнинг иш фаолияти аудитор назоратидан утқазилаётганда асосий эътибор амалдаги конунларга ва фармонларга риоя қилиш ҳолатини аниқлаб олишга қаратилиши керак. Аудит назорати ёрдамида хужаликда амалга оширилган хужалик операцияларининг қонунийлиги хужалик фаолияти билан боғлиқлиги аниқланади. Аудит фанининг объекти сифатида хужалик юритувчи субъектлар, мулк эгалари тушунилади. Аудит назоратини ташкил қилиш, утқазиш бўйича мулк эгаси аудит фирмаси билан шартнома тузиш ҳуқуқига эгадир. Аудит назорати ёрдамида молиявий хисоботни тугрилигини, бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қонунийлигини, маблағларнинг тугрилигини назорат қилиш имқонияти яратилди. Аудит ёрдамида мулк эгасининг иктисодий аҳволи билан боғлиқ маълумотлар ёритилиб, унга аудитор ҳолис баҳо беради, йул қуйилган камчилик ва нуқсонларни аниқлаб бартараф қилиш бўйича уз маслаҳатларини беради. Аудит утқазиш давомида аниқланган камчилик аудитор хулосасида уз ифодасини топади. Демак, аудитнинг асосий мазмуни маълумотларни йиғиш ва белгиланган улқов бирликларида баҳолашдир.

Аудит утказилиши, иктисодий маълумотларни умумлаштирилиши буйича ихтиёрий ва мажбурий аудитга булинади.

Ихтиёрий аудит бевосита мулк эгасининг талабига биноан утказилиши, унда аудит мақсади, мазмуни, йуналиши бевосита манфаатдор томонидан белгиланади. Ихтиёрий аудит хужалик фаолиятининг маълум бир йуналиши буйича ёки тулик утказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонуннинг 10-моддасида: «қуйидагилар ҳар бир йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

сугурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари...».

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмаси бўлиб хужалик юритувчи субъект ҳисобланади. Аудиторлик фирмасини танлаш бевосита хужалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилади.

Мулк эгаси ўз мулкчини ҳолатини, хужалик фаолиятини тугрилигини доимо назорат қилиш мақсадида ихтиёрий, мажбурий аудиторлик назоратидан фойдаланиш мумкин.

Республикада иктисодиётида шаклланган мулкчиликни хилма-хиллиги, бозор иктисодиёти муносабатларини шакллантириш аудиторлик назорати ҳолатини такомиллаштириш, уни таъсирчанлигини ошириш, тарбиявий фаолиятини яхшилашга алоҳида аҳамият бермоқда.

Аудиторлик назоратни зарурияти шундаки- биринчидан мулкни нодавлатлаштириш, иккинчидан иктисодиётни ривожлантиришда чет эл инвестицияларини жалб қилинишидир.

Аудиторлик назорати ёрдамида мулкка бўлган муносабатни ўзгариши, ҳисоботлар ҳолати, амалга оширилган сарф-харажатларнинг маҳсулот таннарига тугри утказилганлиги аниқланади.

Аудиторлик назоратини ўтказишдан асосий мақсад- хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини тугри ва ҳолис баҳолашдир, шу билан бирга хужалик юритувчи субъектлар фаолиятида йўл қўйилган камчилларни бартараф қилишда уларга йўл-йўриқларни қўрсатишдир.

Ўзбекистон Республикасида янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги қонунни қабул қилиниши аудиторлик назоратига кенг эътибор берилганлигини назоратни давр талабига мослаштириш учун қилинган тадбирлардан биридир. қонуннинг 5-моддасида: «Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган шахсдир. Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир» деб белгилаб қўйилган.

Демак, аудиторлик назоратини олиб боришда мустақил аудиторлик ташкилотлари хизматидан фойдаланилади.

Ҳар бир иктисодий фармациянинг ривожига мулкчилик муносабатлари алоҳида урин эгаллайди. Мулк шаклини ўзгартириш, мулкка бўлган муносабатларда ўз ифодасини топади. Бозор иктисодиёти шароитида қорхона

ва ташкилотлар уз-узини маблаг и билан таъминлаб, фаолият курсатишларига алохида эътибор бермокда.

Аудит фанининг предмети деб, турли мулкчиликка асосланган корхоналар фаолиятини урганишга, хужалик жараёнларини тугрилигини аниклашга шартнома муносабатларини бажарилишини урганишга айтилади. Аудит ёрдамида хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини тугри бахолаш амалга оширилган хужалик операцияларини тугрилигини назорат килиш имконияти яратилди.. Бу имконият хар икки томонлар уртасида тузилган шартнома асосида ташкил килинади.

Аудит ёрдамида хужалик юритувчи субъект фаолиятига холис бахо берилади, ички имкониятлардан фойдаланиш, харажатларни камайтириш, махсулот таннархини арзонлаштириш, ракобатбардош махсулотларни ишлаб чикариш учун маслахатлар берилади.Аудит фани бир катор иктисодий фанлари билан шу жумладан «Бухгалтерия хисоби» , «Хужалик фаолияти тахлили», «Тафтиш ва назорат» фанлари билан узаро богликдир.

Аудит утказишда товар моддий бойликларни инвентаризация килиш хужжатларини мукобил текшириш, бахолаш усулларида кенг фойдаланилади.

Утказилган аудит натижалари аудиторлик хулосаларида уз ифодасини топади.Аудит назорати ёрдамида мулк эгасига ёрдам бериш, назоратни таъсир кучини ошириш чоралари ишлаб чикилади. «Биз давлатнинг назоратчилик ва бошкарувчилик функцияларини кискартириш, унинг корхоналар хужалик фаолиятига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашни иктисодиётни эркинлаштириш йулидаги асосий вазифалардан бири деб биламиз»¹ деб президентимиз курсатиб берди.

Республикамизда урта ва кичик бизнесни ривожлантиришда, тадбиркорликни оширишда аудиторлик назоратини ривожланиши алохида ахамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг мустакил деб эълон килиниши, унинг иктисодий-ижтимоий йуналишида туб узгаришлар олиб келди. Дунё давлатлари тажрибасини урганиб, унинг ижобий томонларини ривожлантирган холда янги аср бусагасида бозор иктисодиёти сари дадил кадам ташлади.

Бозор муносабатларига утишнинг асосий 5 тамойили ишлаб чикилди ва хаётга тадбик этилмокда.Президентимиз томонидан ишлаб чикилган 5 тамойил Республикамиз иктисодиётида алохида урин эгаллаганлигини хаётни узи тасдикламокда.Тамойилларни хаётга тадбик килиниши натижасида Республикада саноат, кишлок хужалиги, иктисодиётни бошка сохалари МДХ давлатларига нисбатан салмокли ривожланмокда.

Президентимиз И. А. Каримов узининг «Ўзбекистон иктисодий ислохатларни чукурлаштириш йулида» асарида курсатиб берганидек: бозор муносабатларига кийинчиликларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз силликина утиб булмаслигини бошка мамлакатларнинг тажрибаси курсатиб турибди.Шу сабабли бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий химоялаш буйича кучли эхтиёж чора -тадбирларини олдиндан куриб куйилиши объектив заруратдир.Шундай экан олга сурилган ночор гурухларнинг ижтимоий химоялашга алохида ахамият берилмокда, бир катор тадбирлар амалга оширилмокда.

И.А.Каримов. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон шаёт –пировард ма=садимиз. Т. «Ўзбекистон», 2000, 56-бет.

Тадбирларни тулик бажарилишини таъкидлаганда, аҳолини турмуш тарзини баҳолашда назоратни тугри ташкил қилиш, уни таъсирчанлигини ошириш, тарбиявий салоҳиятни баҳолаш алоҳида аҳамиятлидир. Ўйлар давомида назоратни турли усул ва шаклларида фойдаланиш назорат туридан қатъий назар унинг бош мақсадини ҳаспуста келди, назоратни сиёсий қучга айлантириш амалга оширилди. Республикада амалга оширилган ҳусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш яъни мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, қорхоналарнинг ҳужалик фаолиятини тижорат асосида аудиторлик фаолиятидан ўтказиш, қорхоналар ахборотларидан мустақил фойдаланишни ташкил қилишда аудиторлик текширувини талаб қилади.

Аудиторлик текширув Республикада амал қилинган назорат турининг ташкил топган ва ҳозирда ривожланаётган назорат шаклига айланди. Бозор иқтисодиётига ўтган давлатлар тажрибаси шуни қурсатадики, ишончли маълумотни беришдан давлат ва тижорат тизимида ҳоли бўлган томондагина олиш мумкин. Назоратни Республикадаги ёш тури ҳисобланган аудитнинг ҳусусияти унинг мустақиллигидадир.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган назорат турларини яхшилаш ҳужалик фаолиятини молиявий ҳолатини текширишдаги қамчиликларни бартараф қилиш, текширишлардаги параллелликларни йўқ қилиш ҳамда тадбирқорликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Республика Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Ҳужалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тугрисида» ги қармонида «аудиторлик текширишларни ўтказиш бўйича сарф қаражатлар ана шу текширишларни тайинланган ташкилотлар томонидан қопланади» деб белгилаб қўйилган. Қармонни қабул қилиниши Республикада тафтиш, назорат ва аудитни янада ихчамлаштириш, унинг таъсирчанлигини оширишга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро микёсдаги обрў-эътибори дунё давлатлари томонидан тан олинмокда ва унинг иқтисодий салоҳиятидаги ижобий ўзгаришлар бошқа давлатлар томонидан урганилмокда, таҳлил қилинмокда

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохатлар давр талаби, ривожланиш учун қўйган пойдевор вазифасини бажармокда. Мамлакатимизда иқтисодий ислохатларни босқичма-босқич амалга ошириш ўз самарасини бермокда.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган қамчиликларни таҳлил қилишда назорат турларини тугри ташкил қилиш давр талабига айланмокда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбирқорликни кенг ривожлантириш, назорат ишларини таъсирчанлигини ошириш уни бошқариш қараёнидаги фаолиятни такомиллаштириш мақсадида юқорида «аудиторлик фаолияти тугрисида» ги қонунда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати тугилди. Бу масалани қўриб чиққан Олий Мажлис қонунни янги таҳрирни тасдиқлади. «Аудиторлик фаолияти тугрисида» (янги таҳрирда) қонун қабул қилишди.

конунга асосан аудит мустакил равишда мулк эгасининг молиявий ҳолатини, ҳисоботини таҳлил қилиш, экспертиза утқазиш йули билан амалга оширилади. Хужалик операцияларини амалдаги конун ва йуриқномаларга мос қилишини аниқлаш мақсадида утқазиладиган назорат туридир.

«Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конунда бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботларни тасдиқловчи баланс, фойда ва зарар тугрисидаги ҳисоботлар билан биргаликда улардаги маълумотларни ишончлигини таъминлашда ишлатилишига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги 198 сонли «Қорхоналарда молиявий назорат ва уни хужаликлар ҳисобга жорий қилишда аудиторлик молия назоратининг шакллари» қарорида аудиторлик фаолиятини шартнома асосида ташкил қилиш қўрсатилган.

1993 йил 17.06. 293-сонли «Аудиторларни ва аудиторлик фирмаларининг давлат рўйхатига олиш тугрисида» Низомни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. қарори асосан аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатига олиш учун улар қуйидаги ҳужжатларини тақдим этадилар:

- аудитор ва аудиторлик фирмасини давлат рўйхатига олиш учун ариза:

- аудиторлик фирмалари томонидан таъсисчиларнинг уларни ташкил этиш тугрисидаги шартномаларнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси.

- янги ташкил этиладиган аудиторлик фирмалари учун уларда бино ва зарур усканалар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар.

- аудиторларнинг ва аудиторлик фирмаларини рўйхатга олиш билан боғлиқ барча ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза берилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширилади.

-Республикада текширишларни тартибга солиш, текширишларни секин қамайтириш, уларда мавжуд бўлган параллеллик ва такрорланишларни бартараф этиш, тадбиркорликни ҳуқуқий асосларини ҳимоя қилиш манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримовнинг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хужалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тугрисида»ги қармонда мулкчилик шаклидан қатъи назар хужалик юритувчи, ҳамда тадбиркорлик тузилмаларини молия хужалик фаолиятини тафтиш қилиш бир йилда бир марта амалга оширилиши ва 30 календар кунидан ошмаслиги, аудиторлик текширишларни утқазиш бўйича сарф харажатлар ана шу текширишни таъминланган ташкилотлар ҳисобида қонланиши қармонда белгилангандир.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конунни (янги таҳрирдаги) аудит ва аудиторни мақсади, вазифалари белгилаб берилган. конунни 2 моддасида: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларнинг аудиторлик текширувларини утқазиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар қўрсатиш борасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш таъқиқланади» деб белгилангандир.

Аудит назоратни қорхонада молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш тулиқлигини таъминлаш, ички имқониятларини ишга солиш, солиқ туловларини ўз вақтида тугри туланганлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш, молиявий натижаларни аниқлашда, харажатларни қамайтириш имқониятини беради.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тугрисида»ги 2000 йил 22 сентябр 395-сонли қарорида «бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-ҳужалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тугрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради» деб белгиланган.

Қарорда аудиторлик ҳулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби, мажбурий ундириш тартиби, аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби белгилангандир.

2.2. Товар моддий захираларнинг ҳаракати ва улардан фойдаланиш ҳисоби аудити.

Аудит жараёнида моддий захиралар қийматини ҳисобга олиш маълумотларининг ҳақиқийлиги текширилади. Улар 1000-“Материаллар” счётида ва субсчётларида ҳисобга олинади, Уларнинг таркиби уз вақтида транспорт ташкилотлари томонидан даъво қўзғатилмаган йўқолиш бор-йўқлиги текширилиши зарур. Қўрсатиб ўтилган счётда етишмаган юқлар бўлган ёки йўлдаги маълум муддатдан сўнг қорхонага қилиб тушган бўлса ҳам, улар

Уз вақтида ҳисобга олинмаганли сабабли юқ хат қилинмаган маҳсулот сифатида ҳисобга олиш ҳоллари учраб туради. Яъни юборилган ва юқ хат қилинмаган товарлар йўлдаги материаллар бўйича ҳам аналитик ва синтетик ҳисоби маълумотлари текширилиши зарур. Йўлдаги материалларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун уларнинг 6-журнал далолатномалари маълумотлари ва бирламчи ҳужжатлар билан таққосланади. Бундан ташқари, ҳақиқат туланган товар моддий захираларнинг қорхонага уз вақтида қилиб тушиши устидан ички назоратнинг аҳволи текширилади

Қорхона эҳтиёжлари учун материалларнинг оғбордан берилишига оид операцияларни, материалларнинг ҳетда сотилишини текшириш муҳим масала ҳисобланади.

Сарф ҳаражат операцияларини текшириш ишлари материалларнинг оғбордан ишлаб чиқаришга, ҳыжалик эҳтиёжларига, ички айланишга сотиш учун уз тизимидаги ташкилотларга ва бошқа ташкилотларга берилишнинг асосий йўналишларини аниқлайди,

Ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва тузатиш эҳтиёжлари учун материаллар сарфлаш меъёрлари асосида белгиланган лимитларга мувофиқ берилиши текширилади.

Материалларни лимитлар асосида беришда М-8 ёки М-9 шакллардаги лимит белгилаш карталари билан расмийлаштирилганлиги аниқланади. Лимитлар асосида белгилаш картасидаги материалларни беришга оид барча ёзувларни оғбор мудир юритади. Ой охирида бир нусхаси бухгалтерияга топширилади ва бухгалтерия таъминот бўлимида тузилган лимит белгилаш карталари реестри бўйича назорат қилиши текширилади.

Материалларни беришда лимит белгилаш карталаридан ташқари М-10 ёки М-11 шакллар ва М-12 ёки М-13 юқ хат шаклларининг талаблари қўлланилишини текширилади:

Моддий захираларни талабнома буйича бериш тартиби текширилиши куп марта истеъмол килинадиган захиралар талабномалари билан расмийлаштирилаётганлигини, талабномалар буйича моддий. бошшқлар берилишини ким томонидан берилишини аниқлаш лозим.

Сарф-харажат операцияларини текшириш жараёнида алохида омборлар, материаллар турлари буйича танлаб материалларни бериш тугрисидаги марказий омбор маълумотларини булинмалар моддий жавобгар шахсларнинг мазкур материаллар олинганлиги ҳақидаги ҳисобот маълумотлари билан солиштирилади, Бу курсаткичлар узаро тенг булиши керак, чунки улар бир хил ҳужжатларга асосланади. Корхонанинг узи ҳар ойда уларни мана шундай таккослаб туриши зарур.

Моддий захираларни бериш ва олинган моддий захиралар тулик крим кишишганлиги тугри эканлиги аниқланиши, уларни ҳисобга олиш йулга куйилганлиги ҳамда олинган захираларнинг ҳақикий таннарни тугри ҳисоблаб чиқилганлигини текшириш зарур.

Четга материал бериш корхона раҳбари томонидан имзоланган М-15 юк хат шакли. ва олувчи томонидан тақдим этилган ишончнома асосида амалга оширилиши текширилади.

Омбор ҳудудидан материалларни олиб чиқиб кетиш учун олувчига рухсатнома ёзилган булиши шарт. Аудитор моддий бойликларни узга ташкилотларга оеришини текширишида кимнинг рухсати асосида берилганлигини, кандай шартларда сотилганлигини, корхона бундай моддий зарар курган курмаганлигини текшириши керак. Бундай текшириш юк хат маълумотлари ва захиралар берилиши ҳақидаги ишончномалар, олиб чиқиб кетиш рухсатномалари, тулов ҳужжатлари, 9200-“Бошқа активлар сотиш” счётига синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари ва 4-СН-сон “Моддий техник таъминоти ва сотиш буйича корхона маҳсулотини сотиш тугрисидаги ҳисобот” йиллик ҳисобот шакллардаги “Бошқа сотиш” маълумотлари буйича амалга оширилишини текширади.

Корхонада материаллардан ишлаб чиқарганда фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат килиш кандай ташкил этилганлигини аниқлаши зарур.

Корхона аудитини амалга оширишда куйидагиларни аниқлаш.

- материал сарфи меъёрлари режали калькуляция билан мувофиқлаштирилганлиги меъёрдаги материаллар улар кандай сарфланганлигидан каътий назар ҳисобдан чиқарилиши;

- амалдаги меъёрлар материалларни тежаб сарфлашни рағбатлантириладими, улар эскирган ёки оширилган эмасми.

- ишларнинг бир хил турларга ҳар хил корхоналарда турли меъёрларни куллаш ҳоллари йуклиги;

- хом ашё ва материалларни сарфлаш меъёри моддий-техника таъминоти режаси билан кандай мувофиқлаш тирилганлиги;

- режали меъёрларни ва моддий техника таъминоти режаларни ишлаб чиқаришда эришилган тежамкорлик ҳисобига олинганлиги аниқланиши зарур.

Моддий захираларни сарфлашнинг белгиланган меъёрлари ҳақикий сарфга мувофиқлигини, уларни назорат тартибида ишлаб чиқаришга сарфлаш йули билан текшириш мумкин.

Материаллардан назорат тартибида ишлаб чиқаришда фойдаланиш далолатнома билан расмийлаштирилади.

Далолатномада куйидагилар курсатилади:

- сарфланган материаллар миқдори;
- материаллар сарфланган иш турлари;

• ишни бажарувчи ходимнинг исми-шарифи ва малакаси. Назорат тартибида ишлаб чиқаришда фойдатганиланган материалларни кулланилаётган меъёрлар ва текширилаётган даврдаги ҳақиқий материаллар сарфи билан таққослаш меъёрларининг асослилиги ва реаллигини аниқлаш имконини беради. Қупчилик ҳолларда оширилган меъёрлар кулланилиши натижасида ҳисобга олинмаган моддий ресурслар ҳосил булади.

Аудитор моддий ресурслар сарфи ҳақидаги маълумотлар ҳақиқий сарфга мувофиқлиги ҳисоботда акс эттирилишини текшириш керак. Агар ҳисобот маълумотлари бўйича моддий захиралар ортиқча сарфланганлиги аниқланса, аудитор энг аввало уни келтириб чиқарган омилларни аниқланиши керак. Бунда материалларни қайси турлари бўйича ортиқча сарфланишига йул қуйилганлиги, материаллар сарфи режаси амалдаги меъёрга мувофиқлиги ёки мувофиксиз эканлигини аниқлаш, шунингдек қорхонада амал қилувчи меъёрлар қим томонидан, қачон ва ишлаб чиқаришнинг қайси техник даражаси учун тасдиқланганлиги текширилиши зарур.

Иш жараёнида қорхонада арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардан қуп миқдорда фойдаланилади. Ишлаб чиқариш жараёнида қуп мартаб катнашадиган, қийматига қура асосий воситалар, лимитидан паст булган, яъни улар билан асосий воситалар уртасидаги тафовут асосан улар қийматининг миқдоридан иборат булган меҳнат воситалари шулар жумласидандир. Аналитик ҳисобда арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қуйидагича гуруҳларга бўлинади:

- асбоб ва мосламалар;
- ҳўжалик анжомлари, маҳсус қийим бош ва бошқалар, •маҳсус пойафзал, юмшок буюмлар ва бошқалар.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳаракати бўйича операциялар 1080-синтетик фаол сётда акс эттирилади.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қуп ишлатилиши сабабли, улар аста-секин эскиради, Уларнинг эскириши 2 марта ҳисобланади:

• 50 фоизи арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар фойдаланишга берйлаётган пайтда, бу тарқатиш қайдномаси, юк хат ёки талабнома билан расмийлаштирилади;

• 50 фоизи - буюмлар тузиб кетганлиги ёки тупик эскириши натижасида уларни йук қилиш пайтида, бу М-32 ва М-33 шакл бўйича ҳисобдан чиқариш далолатномалари билан расмийлаштирилади Маэкур буюмларни йук қилишдан олинган материаллар қирим қилинади. Бухгалтерия ҳисобнда қуйидаги тартибда акс эттирилади.

- Дт 1080 Кт 1081

Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар фойдаланишга берйлаётганда уларнинг 100% баҳоси:

- -ДТ-2010, 2310 Кт-014

Фойдаланиш учун берилган арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар баҳосининг 50%га тенг булган эскириш:

- -ДТ-2010, 2310 КТ-014

ёки М-33 шаклдаги далолатномаларга мувофиқ арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар кийматининг колдиги 50% ҳисобдан чиқарилади,

- -ДТ-014 КТ-1080
- -ДТ-10 10 КТ-1080

Бу вариант меъёрлар буйича ҳар ойлик ҳисобга ытказишга қараганда эскириши ҳисобга олишни анча сарфлаштиради, бироқ яроксиз ҳолга келган арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар уз вақтида ҳисобдан чиқарилишини назорат қилади.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг аналитик ҳисоби номенклатура буйича ва ҳар бир моддий жавобгар шахс буйича алоҳида юритилишини текширади.

Текшириш пайтида асосий воситалар арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар таркибида, эҳтиёт қисмлар асосий воситалар таркибида ҳисобга олинган ҳоллар аникланади. Бу бухгалтерия ҳисоботларининг ҳақиқийлигини бузади.

Аудит чоғида арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг омборда, фойдаланиш пайтида сакланиш жараёнлари, бундай буюмлар сакланиш ва қулланиш жойларида ҳисобга олинишини

ташқил этиш, ушбу буюмларнинг ҳаракати буйича операцияларни расмийлаштириш ва ҳисобга олишнинг тугрилигини текшириш керак.

Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар мавжудлиги ва сакланишини текшириш танлаб ёки буюмлар сакланадиган жойда, ходимлар қулидаги буюмларнинг тулик рўйхат қилиш орқали амалга оширилади.

Бунинг учун ахборот манбаи сифати асбоб-ускуна берилишини ҳисобга олувчи шахснинг карточкалардан фойдаланиладк.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар сакланишини гаъминловчи шартларига риоя қилинишини текшириш қуйидаги тартибда утказилади:

- жойларнинг етарлилиги, йул қуйиладиган намлиқ фойизи ва бошқалар;
- сакланиши учун жавоб берувчи шахслар доирасининг етарли эканлиги ва улар билан моддий жавобгарли тузрисида шар тнома тузилг англиги;
- тушган арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар тулик омборда қирим қилинганлиги;
- мавжуд буюмлар билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари буйича ҳисобда булганлари уртасида аниқланган фарқ қандай бартараф этилишини текширади

Қорхона махсус қийим - бош ва махсус пойафзални уз ходимларига сотиши ҳам мумкин.

Аудитор бу буюмлар қакана нархлар буйича сотилганлигини уларнинг ҳам ут вақтида туланганлиги, ҳақиқатини туланмай берилганлигини аниқлайди Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ташқил қилишда бу буюмларни тузатишни ташқил этиш, уларни саклаш ҳаражатларини ҳисобга олиш ҳам текширилади.

Сунгра эскириш суммасини ҳисоблаб қикишнинг тугрилигини ва уз вақтидалиги ҳамда уларнинг фойдаланишга берилган ва ҳисобдан қикариб юборилган арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар буйича ҳаражатларнинг

тегишли счётларига кирими текширилади: Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар бўйича аудит уларни ҳисобдан чиқариш операцияларини текшириш билан якунланади. Бунда ҳисобдан чиқариш далолатномалари тугри расмийлаштирилганлиги; ҳисобдан чиқарилган буюмлардан фойдаланиш муддатлари курсатилганлиги; улар қиймати; айбдор шахслар томонидан туланиши керак бўлган сумма, темир терсак, ёғоч ҳолида олинган ва қирим қилинган захиралар сони; комиссия таркиби ва ушбу ҳисобдан чиқариш ҳақидаги далолатнома тасдиқланган шахсларнинг муносабат белгиси бор - йўқлигини; арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобдан чиқаришдан олинган натижалар тугри аниқланганлиги текширилиши керак,

2.3. Фермер хўжаликларида молиявий натижаларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш йўналишлари

Фойда (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади.

Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Акционерлик жамиятларида молиявий натижаларнинг, даромад ва харажатларнинг таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Чунки акционерлик жамиятлари фаолиятидаги маблағлар акционерларнинг акциялар сотиб олиши натижасида шакллانган. Ундан ташқари акционерлар жамият фаолиятига киритган маблағлари ҳисобига келгусида даромад, дивиденд олишни кўзлашади, ҳамда ўз инвестициясининг даромадлилигини ўрганишда жамиятнинг молиявий натижаларини доимо таҳлил қилиб туришади.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарларнинг омилли таҳлили олиб борилади.

Жамиятда молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади, ҳамда жамиятнинг фойдалилик даражасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий қаторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларга умумий изох берилади.

Вертикал таҳлилда молиявий натижаларнинг шаклланишини бир қаторли ва кўп қаторли усулларида ўзаро фарқланишларга ва нисбий ўзгаришлар баҳо берилади.

Горизонтал таҳлилда эса молиявий натижаларнинг бўйламасига таркибланиши ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилилади.

Асосли ёки тренд таҳлилда молиявий натижалар ва уларнинг йиллир бўйча ўзгариши, динамикаси ёки асос йилига нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади.

Молиявий натижалар таҳлили учун зарур маълумотлар 2- шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот ва унга берилган изоҳлардан олинади.

Молиявий натижаларнинг шаклланиш бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин.

2.3.1-жадвал. Молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича таҳлили

№	Молиявий натижа	ўтган йил	ҳисобот йили	Фарқи
1	Асосий фаолиятдан фойда	12546	14523	+2067
2.	Молиявий фаолиятдан натижа	2534	1425	-1109
3.	Фавқулодда ҳолатлардан натижа	789	154	-635
	Жами ҳисоб фойдаси	14291	15794	+1503

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки корхона солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммаси ёки жами фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 1503 минг сўмга ўсган. Жумладан, асосий фаолиятдан олинган фойда суммасининг ўтган йилга нисбатан ўсиши 2067 минг сўмга, молиявий фаолиятдан олинган фойда суммаси 1109 минг сўмга камайган. Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан олинган зарар суммаси эса ўтган йилга нисбатан 635 минг сўмга кам бўлган.

Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омиллар таъсирига қаратилади.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади. Таҳлилда сотишнинг учта қатори характерланади.

- маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа.
- асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан натижа.
- бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисоб объекти ёки даромадларнинг юзага чиқиш шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотишдан олинган натижалар асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар қатори кўрсатилиши тартибланган.

Давр харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннарига киритилмайдиган хўжалик сарфлари киритилади. Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин.

- Сотиш харажатлари
- Маъмурий харажатлар
- Бошқа умумхўжалик харажатлари

Сотиш харажатлари «Маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) таннархига киритиладиган харажатлар, Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона тартиблашни ва тўғридан -тўғри корхона фаолият натижавийлиги боғланиши тартибланган.

Сотиш харажатлари маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга ортиб жўнатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

Сотиш харажатларни иш хақи харажатлари, иш хақидан ажратмалар, материал харажатлари, асосий воситалар ва номатериал активлар амортизацияси, реклама харажатлари, иш ва хизматлар, бошқа харажат моддалари бўйича таркиблаш ва таҳлил этиш мумкин.

Сотиш харажатларининг қопланиши корхонанинг дастлаб ҳисоб фойдасидан амалга оширилади. Маъмурий харажатлар қаторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидаги салмоёи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппаратини хизмати харажатларидир.

Бошқа умумхўжалик харажатлари қаторига юқоридаги таркибга киритилмаган харажатлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ўзлаштириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

2.3.2-жадвал. Давр харажатлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	ўтган йил		ҳисобот йили		Фарқи	
		Сумма	фоиз	сумма	фоиз	сумма	фоиз
1.	Сотиш харажатлари	1541	72,8	1926	72,4	385	-0,4
2.	Маъмурий харажатлар	452	21,4	558	21,0	106	-0,4
3.	Бошқа умумхўжалик харажатлари	123	5,8	177	6,6	54	+0,8
4.	Жами давр харажатлари	2116	100	2661	100	545	х

Корхона давр харажатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан +545 минг сўмга ўсган. Жумладан Сотиш харажатлари бўйича мутлақ ўзгариш +385 минг сўмни, маъмурий харажатларнинг ўзгариши +106 минг сўмни ташкил этган.

Операцион жараёнлардан олинган даромадлар корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятидан олинadиган даромадлар киритилади Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланган. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

2.3.3-жадвал. Операцион даромадлар ва харажатлар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	ўтган йил	ҳисобот йили	Фарқи
---	--------------	-----------	--------------	-------

		Фойда	зарар	Фойда	Зарар	Фойда	Зарар
а		а		а		а	
1	Асосий воситаларни сотишдан олинган натижа	123	-	234	-	+111	-
2	Хўжалик инвентарларини сотишдан олинган натижа		21	32	-	+32	21
3	Валюта маблағларини сотишдан олинган натижа	154	-	78	-	-76	-
4	Мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган натижа	276	-	180	-	-96	-
5	Материалларни сотишдан олинган натижа	145	-	90	-	-55	-
6	Қимматли қўғозларни сотишдан олинган натижа	34	-	65	-	+31	-
7	Номоддий активларни сотишдан олинган натижа	-	-	34	-	+34	-
	Жамиси	732	21	713	-	-19	-21

Корхонада операцион жараёнлардан олинган фойда суммаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 минг сўмга камайган. Жорий даврда операцион жараёнлардан олинган зарар суммаси бўлмаган. Корхона узида ортиқча бўлган асосий воситаларни сотишдан 111 минг сўм даражасида фойда ўсишига эришган. +олган барча кўрсаткичлар бўйича олдинги йилга нисбатан камайиш бўй берган. Шунингдек қимматли қўғозлар ва номоддий активларни сотишдан олинган фойда суммаси ҳам олдинги йилга нисбатан бир қадар ўсишига эришилган.

Молиявий фаолиятдан олинган натижа корхона фаолият натижавийлигининг алоҳида ҳисоб қатори сифатида таркибланади ва таҳлил этилади. Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар корхонанинг фонд бозори, молия бозоридаги фаолиятидан келадиган натижаларни ўз ичига олади. Таҳлилда уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб қатор бўйича алоҳида ва умумий асосда ўрганилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг қаторлари бўйича берилган изоҳлардан олинади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг қуйидаги:

шўба ва ассоциацияланган корхоналардан олинган дивидендлар;

бошқа олинган дивидендлар;

шўба ва ассоциацияланган корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар;

бошқа олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар;

валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар;

молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва йўқотишлар.

2.3.4-жадвал. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва йўқотишлар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	ўтган йил		ҳисобот йили		Фарқи	
		foyda	zara	Foyd	Zara	foyda	zara
1	Шўъба ва ассоциацияланган корхоналардан олинган дивидендлар	23	-	34	-	+11	-
2	Бошқа олинган дивидендлар	12	-	-	-	-12	-
3	Шўъба ва ассоциацияланган корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар.	14	-	21	-	+7	-
4	Бошқа олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар.	-	43	-	65	-	+22
5	Валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар.	56	-	78	-	+22	-
6	Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва йўқотишлар.	22	-	47	-	+25	-
	ЖАМИ	127	43	180	65	+53	+22

Корхона молиявий фаолиятдан олинган фойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан +53 минг сўмга ўсган. Зарар суммаси эса 22 минг сўмга ортган. Молиявий фаолиятдан олинган соф натижа ўтган йил 84 минг сўмни ташкил этган ҳолда ҳисобот йили 115 минг сўмни ташкил қилган.

Фавқулодда фойда ва зарарлар молиявий натижавийликнинг учинчи таркиб катори ҳисобланади. Унинг каторига бевосита тасодифий ҳолатлардан кўриладиган натижалар киритилади. Масалан Сув тошқини ёки ер қимирлаши, енгин оқибатида, бўронлар оқибатида ёки бошқа табиат ҳодисалари асосида рўй берадиган йўқотишлар киритилади.

Корхона ҳисоб фойдаси ёки солиқ тўловига қадар бўлган фойда (зарар) суммасидан фойда даромаддан солиқлар ва бошқа фойдадан солиқлар, тўловлар ва ажратмаларни чегириш асосида корхонанинг жорий давр бўйича соф фойда (зарар) суммаси аниқланади. Республика солиқ қонунчилигига мувофиқ барча хўжалик ҳисобидаги корхоналар даромад солиғи тўловчилари ҳисобланади ва уларнинг айрим гуруҳи бўйича доимий ва вақтинчалик имтиёзлар белгиланган.

Бошқа солиқли тўловлар каторига Республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган айрим турдаги солиқлар киритилади. Уларнинг тури ва ундириш тартиби Давлат Солиқ қўмитаси томонидан белгиланади. Ягона солиқ тўловига

ўтган корхоналарда ушбу солиқ тури олинган даромаддан катъий ставкаларда ҳисобланади ва тўланади.

2.3.5-жадвал. Солиқ тўловига қадар фойда ва унинг омилли таҳлили

№	Кўрсаткичлар	ўтган йил	ҳисобот йили	Фарқи
1	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан	4597	3726	-871
2	Умумхўжалик фаолиятдан	4611	3738	-873
3	Солиқ тўловига қадар фойда	4611	3738	-873

Корхона солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 873 минг сўмга камайган. Бу ўзгариш асосан асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда суммасининг 871 минг сўмга камайиши натижасида рўй берган

2.3.6-жадвал. Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	ўтган йил	ҳисобот йили	Фарқи
1	Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	+1254	+2541	+1287
2	Давр харажатлари	-254	-325	-71
3	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йўқотишлар	+215	-123	-338
4	Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	+89	+126	+37
5	Фавқулодда фойда ва зарарлар	-	-21	-21
6	Солиқлар	-241	-321	-81
7	Соф фойда	+1063	+1877	+814

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки корхона соф фойданинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши +814 минг сўмни ташкил этган.

Унинг ўзгаришига ҳар битта кўрсаткичнинг таъсирини фарқ қаторига қараб баҳолаш мумкин. Масалан маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўтган йилга нисбатан 1287 минг сўмга ўсиши соф фойда суммасининг шунча ўзгаришига олиб келган. Давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган зарарлар суммасининг, фавқулодда зарарлар суммасининг, фойдадан солиқлар суммасининг ўтган йилларга нисбатан ўсиши натижасида корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 511 минг сўмга камайган.

Барча омиллар таъсирида соф фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 814 минг сўмга ўсишига эришилган. Демак корхонада фойдани ўстириш юзасидан 511 минг сўмлик ички резерв мавжуд дейиш мумкин. Агар корхона ушбу қаторлар бўйича ўзининг олдинги йил кўрсаткичларини сақлаганда эди яна қўшимча тарзда шунча фойда олиши мумкин эди.

Корхона фаолият натижавийлиги баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадаларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин.

Рентабелликнинг халқ хўжалигида қуйидаги турлари аниқланади.

1. Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик

соф фойда

$$P = \frac{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Ишлаб чиқариш харажатлари

Ушбу кўрсаткич бир сўмлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда суммасини характерлайди.

Асосий воситалар рентабеллиги

Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати

Сотиш бўйича рентабеллик . Сотиш бўйича рентабеллик сотилган маҳсулотларнинг фойдалиқ даражасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан олинган ялпи фойда суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган тушумга бўлиш асосида аниқланади. Яъни

Сотишдан олинган фойда

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум суммаси}} \times 100\%$$

Сотишдан олинган тушум суммаси

Оборот активлар рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда, соф фойда суммасини характерлайди.

Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

Оборот активлар ўртача йиллик қиймати

Жами мулк рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона мулкининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик мулкка тўғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

Соф фойда

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

Корхона мулки жами

Ўз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг фойдалилик даражасини характерлайди.

Корхона соф фойдасини унинг ўзлик маблағлари манбаига бўлиш асосида ўзлик капиталининг фойдалилик даражаси ўрганилади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона ўзлик маблағлари}} \times 100 \%$$

+арз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Қарз маблағлари жами}} \times 100\%$$

8. Асосий воситалар ва моддий оборот маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблағлари ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади. У ҳар бир сўмлик асосий ва оборот маблағига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва оборот маблағлари ўрт.йил. қийм.}} \times 100\%$$

2.3.7-жадвал. Рентабеллик таҳлили

№	Кўрсаткичлар	ўтган йил	ҳисобот йили	Фарқи
1	2	3	4	5
1	Маҳсулот сотишдан соф тушум	125987	152485	+26498
2	Сотилган маҳсулот таннархи	102574	135425	+32851
3	Сотишдан олинган фойда	23413	17060	-6353
4	Соф фойда	2589	3125	+5365
4	Асосий воситалар ўртача йиллик қиймати	5213	5632	+419
5	Оборот маблағлари ўртача йиллик қиймати	8752	9521	+769
6	Корхона мулки	15562	17892	+4330
7	Ўзлик маблағлари	8542	8965	+423
8	+арз маблағлари	2546	3212	+670
9	Маҳсулот рентабеллиги	18,6	11,2	-7,4
10	Асосий воситалар рентабеллиги	49,6	55,4	+5,8
11	Оборот маблағлар рентабеллиги	29,6	32,8	+3,2
12	Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги	22,8	12,6	-10,2
13	Ўз маблағлари рентабеллиги	30,3	34,8	+4,5
14	Жами мулкка нисбатан рентабеллик	16,6	17,5	+0,9
15	Умумий рентабеллик	18,5	20,6	+2,1
16	+арз маблағлари рентабеллиги	101,7	97,2	-4,5

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки корхонада рентабеллик кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан бир қадар ўсган. Фақат маҳсулот рентабеллиги, ишлаб чиқариш таннархи ва қарз маблағларига нисбатан рентабеллик кўрсаткичлари бўйича ўтган йилга нисбатан пасайиш кузатилган.

Асосий воситалар рентабеллиги 5,8 % га, оборот активлари рентабеллиги (моддий) 3,2 % га, ўз маблағлари рентабеллиги 4,5% га, жами активлар рентабеллиги 0,9% га , умумий рентабеллик 2,1 % га ўсган.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни уларда қатнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан маҳсулотни сотишга нисбатан рентабеллик ўзгаришига сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши ва сотишдан олинган тушумлар суммасининг ўзгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг ўзгариши ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши, умумий рентабелликка бир сўмлик тушумга тўғри келадиган соф фойда суммасининг ўзгариши, асосий воситалар қайтимининг ўзгариши ва моддий оборот маблағлар қайтимининг ўзгаришлари таъсир қилади ва ҳ.к.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳам аниқ қўриш мумкин.

2.3.8-жадвал. Асосий воситалар рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткич	ўтган йил	Шартли кўрсаткич	ҳисобот йили	Жами ўзгариш	Шу жумладан	
					Фойда ҳисобига	Асосий воситалар қийматининг ўзгариши ҳисобига
Рентабеллик	49,6	59,9	55,4	+5,8	+10,3	-4,5

Корхонада асосий воситалар рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 5,8 фоизга ўсган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар ҳисобига рўй берган. Фойда суммасининг ўзгариши ҳисобига асосий воситалар рентабеллиги +10,3 фоизга ўсган. Лекин асосий воситалар йиллик ўртача йиллик қийматининг ўзгариши ҳисобига рентабеллик –4,5 фоизга камайган.

ХУЛОСА

Фермер хўжалиги - халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлаш вазифасини бажарувчи агросаноат комплексининг асосидир.

Хозирги кунда агросаноат комплексида янги истиқболли уюшмалар - агросаноат комбинатлари ва бирлашмалари, ишлаб чиқариш тизимлари, агрофирмалар таркиб топдики, улар илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишни тезлаштириш, ишлаб чиқаришни янада интеграциялашишига эришиш, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш реализация қилишда йўл қўйиладиган йўқотишларни камайтириш ҳамда маҳсулотни истеъмолчига етиб боришни тезлаштириш имконини беради.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ва хўжалик юритишнинг иқтисодий услубларига ўтиши Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларига таъсирини кучайтириб, барча меҳнат жамоаларини ўз ишлаб чиқариш имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланишга ундамоқда.

Шу билан бир қаторда халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, шу жумладан, Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиб бораётганлиги, иқтисодиётнинг инқироз жараёни давом этаётган ва мустақил давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг издан чиққанлиги асосан ички имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай вазифани бажаришда бухгалтерия Ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда қабул қилинган қонун ва низомлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар халқ хўжалигининг барча корхона ва ташкилотларида ва турли мулкчилик шароитида бухгалтерия Ҳисобини ягоналаштириш ҳамда халқаро бухгалтерия Ҳисоби стандартларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Бу бобда агросаноат комплексининг асосий бўғинлари бўлмиш давлат ва жамоа хўжаликларида бухгалтерия Ҳисобини ташкил қилиш ва уни юритиш хусусиятларини кўриб чиқамиз. Хозирги кунда саноат ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар қошидаги ёрдамчи Фермер хўжалик бўлимларини ташкил қилиш ва кенгайтириш тобора ривожланиб бормоқда. Бу хўжаликларда ҳам Фермер хўжалиги корхоналаридаги каби бухгалтерия Ҳисоби ташкил этилади ва юритилади. Улар учун ишлаб чиқаришнинг икки асосий тармоғи - деҳқончилик ва чорвачилик мавжудлиги ҳосдир. Унда турли хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар ҳам бор.

Бу субъектларда бухгалтерия Ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари Фермер хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўзига ҳослигидан келиб чиқади. Энг аввало давлат хўжаликлари ва ёрдамчи хўжаликлар-мулкчиликнинг давлат шакли, жамоа хўжаликларидаги ишлаб чиқариш воситалари эса жамоа-кооператив (ширкат) мулкдир. Давлат ва жамоа хўжаликларидаги қатор фарқлар замини ана шундандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. 1996. 30 август.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Тошкент:1996.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (Янги таҳрирда). // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Кейинги ўзгариш ва қўшимчалар билан. Тошкент: 2009.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010.
3. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Ҳалқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

2. Китоб ва туркум нашрлар

1. Бархатов А.П. Бухгалтерский учёт внешнеэкономической деятельности. М.:«Дашков и К», 2004 г. – 304 с.
2. Вещунова Н.А. Бухгалтерский учет. – М.:Финансы и статистика, 2006.- 642 с.
3. Григорук Н.Е. Статистический учёт внешнеторговых операций: международный опыт и российская практика. – М.:МГИМО-Университет 2004. – 152 с.
4. Дмитриева И.М. Бухгалтерский учет и аудит. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 272 с.
5. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. – Т.: Молия, 2007. – 100 б.
6. Завалишина И. Янгича бухгалтерия ҳисоби. – Т.:«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004. – 476 б.
7. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет: Учебное пособие. - М: ИНФРА-М, 2007. - 717 с.
8. Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. - М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с.
9. Лукина А.В. Маркетинг. – М.: Форум. ИНФРА-М, 2006. – 224 с.
10. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Тошкент Молия институти, 2004. – 10 б.
11. Пугачёв В.В. Внутренний аудит и контроль. Организация внутреннего аудита в условиях экономического кризиса: учеб. – М.: Дело и Сервис, 2010.

– 224 с.

12. Суглобов А.Е. Международные стандарты аудита в регулировании аудиторской деятельности. - М.: Экономист, 2007. - 256 с.
13. Тепляков А.Б. Оформление первичных документов в бухгалтерском учете и налогообложении. - М.: Гросс Медиа Ферлаг, 2007. - 304 с.
14. Уткина С.А. Составление бухгалтерских проводок в организациях разных отраслей: практ. пособ. – М.: Омега-Л, 2010. – 259 с.
15. Часова О. В. Финансовый бухгалтерский учет. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 544 с.
16. Щадилова С.И. Особенности ведения бухгалтерского учета с применением МСФО. - М.: ИКЦ «Дело-сервис», 2007. - 320 с.
17. Кондраков Н.П., Кондраков И.Н. Бухгалтерский учет на малых предприятиях: учебное пособие. - М.: Проспект, 2010. – 640 с.
18. Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. 3-е издание. - М.: Юрайт, 2010. – 605 с.
19. Тулаходжаева М.М., Илхамов Ш.И. Аудит. Ўқув қўлланма. Т. 2005. – 160 б.
20. Умурзаков У.П., Абдурахимов И.Л. Сув ҳўжалиги менежменти. Т.:«Иқтисод-молия», 2008. – 60 б.
21. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: Учебник. – М.: Инфра-М, 2005. 448 с.
22. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Шарқ, 2004. - 592 б.
23. Кулинина Г.В., Шалашова Н.Т., Юшкова С.Д. Учёт, анализ и аудит внешнеэкономической деятельности организаций: Учебное пособие. - М.: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2006. – 296 с.
24. Подольский В., Савин А., Сотникова Л. Аудит: учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, Аудит, 2004.- 583 с.
25. Жураев Т., Хайдаров Ш., Ортиков Х., Завалишина И. Бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар режасига ўтиш бўйича амалий тавсиялар. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ; дунёси» нашриёт уйи, 2004. - 80 б.
26. Суворова С. П., Парушина Н.В., Галкина Е.В., Ковалева А. М. Основы внутрифирменной стандартизации аудиторской деятельности: учебное пособие. - М.: ИД «Форум» - ИНФРА-М, 2007. - 336 с.
27. Ерженков М.С. и др. Аудит-1. – Алматы: 2005. – 382 с.
28. Подольский В.И., Поляк Г.Б., Савин А.А. и др. Аудит: Учебник для вузов. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 186 б.
29. Сорокина Е.М. и др. Бухгалтерский (финансовый) учет: вопросы, тесты и задачи: учеб. пособ. – М.: ФиС, 2010. – 160 с.